



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

www.uzas.uz

2023-yil 18-avgust №32 (4743)



## ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

Янги ўқув йили бошланишига ҳам санокли кунлар қолди. Кун кеча пойтахтимиздаги 144-мактабга кириб биринчи қават бўйлаб борар эканман, одатдагидек, шу қаватда жойлашган бошланғич синфхоналарига кўзим тушди. Синфхоналар қаторидан ўтгач, эшиги очиқ хонага кириб бордим. Бу хона 3-“А” синф ўқувчиларига ажратилган бўлиб, ўқитувчи кўргазмали воситалар, синф ўқувчиларининг иш жилдларини тартибга келтирилган экан. Хона озода, тоза, ёруғ, деворга ортиқча кўргазмали воситалар илинмаган. Электрон доска, компьютер сингари замонавий ўқув воситалари шай ҳолда. Досканинг тепасида “Салом, мактаб!” деган ёзув бор, хуллас, болалар келиши билан дарсни бошлаб юборса бўлади.

## БИРИНЧИ УСТОЗ

Бошланғич синф ўқитувчиси Машрабхон Умарова билан танишдик. Олий тоифали, 2010 йилда “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” деган шарафли номга сазовор бўлган. Орадан бир йил ўтгач, “Шухрат” медали билан тақдирланган. “Халқ таълими аълочилиги”, “Халқ таълими фидойиси” кўкрак нишонлари, яна бир қанча мукофотлар, фахрий ёрликлар соҳибаси. Кўриниб турибдики, у ўз касбининг устаси, эътироф этилган устоз!

Юқори синфларда фан ўқитувчиларини танлаш кийин масала, лекин кўпни кўрган ота-оналар фарзандларини биринчи синфга бераётганда тажрибали бошланғич синф ўқитувчисини излашади. Чунки бошланғич синф ўқитувчиси (чет тиллари ва жисмоний тарбия фанларидан ташқари) болаларга тўрт йил мобайнида меҳр билан таълим-тарбия беради. Қанчалик машаққатли, ва айни пайтда, шарафли вазифа! Шўх, тўполончи буталарни жойига ўтказиб, қўлига қалам туздашиб, харф танитиб, юриш-туруш қондаларини ўргатиш биргина муаллим учун қанчалар кийин. Шарафли томони эса, у — биринчи устоз! Барчамиз биринчи ўқитувчимизни яхши эслаймиз. У хотирамизда меҳрибон, билимдон, эҳтиромга лойиқ инсон киёфасида сакланиб қолган.

Сухбатимиздан аён бўлдики, Машрабхон Умарованинг синфига бир томони Ҳасанбой, бир томони Зангиота томонлардан ҳам ўқувчилар катнаб дарс олар экан.

— Шундай масъулиятли касбни танлашингизга нималар туртки бўлган? — сўрадим Машрабхон Умаровадан.

— Мен мактабда улгайганман десам ҳам бўлади. Онам Санобархон Умарова Олтиариқ туманидаги мактаблардан бирида кутубхоначи бўлиб ишлаган. Ўқувчилик йилларим бўш вақтимни хар доим кутубхонада ўтказганман. Онамга дарсликларни тартибга солишга кўмаклашардим. Янги келган китобларни рўйхатга олиш, ўқувчиларга тарқатиш ва йигиб олишни, китобсевар ўқувчилар билан суҳбатлашни яхши кўрардим. 1991 йилгача, яъни мактабни тугатгунча мактаб кутубхонасидаги ақсарият китобларни ўқиганман. Биринчи ўқитувчим, Фаргона вилояти Олтиариқ туманидаги 39-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Салима Соткиналиева калбимда бу касбга меҳр уйғотган. Биринчи устозим хозиргача эришган ютуқларимдан гурурлана

ниб юради. 2010 йилда “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” танловида иштирок этганимда ҳам Тошкентга келиб дайда берган. Ютуқларимга омил бўлган яна бир устозим — бундан 10–15 йил аввал мактабимизда директор вазифасида ишлаган Гулчехра опа Расулова бўлади. Устоз мени “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2010” республика танловида катнашишга ундаган, кўлингиздан келади, дея ўзимга ишонч уйғотган ва яқиндан ёрдам берган, йўл-йўриқ кўрсатган, қўллаб-қувватлаган. Ва ниҳоят, беғубор калблар — мактабга илк бор қадам босиб келган болажонларни яхши кўрмай бўладими!? Ахир, уларнинг хар бири бир олам-ку! Уларнинг соддалиги, очиклиги, ҳаракатчанлиги, интилишлари менга куч-гайрат бағишлайди.

— Таълим жараёнида мунтазам тарзда ўзгаришлар юз беради. Уларни ўзлашти-

риб бориш бугунги ўқитувчи учун кийин эмасми? Яъни дунёдаги илғор иш тажрибаларини амалда қўллаш маъносида айтяман. Замонавий бошланғич синф ўқитувчилари учун нималар зарур деб ўйлайсиз?

— Ўтган йили Туркияга бориб келдим, кейинги ҳафта бир гуруҳ устозлар билан Грузияга илмий-амалий анжуманда иштирок этиб, тажриба алмашишга кетяимиз. Дунёнинг айрим давлатларидаги ҳамкасблар билан алоқа боғлаб, янгилекларни алмашиб тураимиз. Умуман, соҳадаги ўзгаришларни ўз вақтида ўрганиб, амалга татиқ этиш ишимизнинг самарали бўлишини таъминлайди. Ўқитувчи мунтазам изланиши керак, деб ўйлайман. Ҳозир Британия мактабида ҳам дарс бераман. У ердаги муҳит бошқа, аммо ўша мактабдаги илғор тажрибаларни ўз синфимда қўлламан.



She'riy lahza

ЧЎЛПОН

СОЗИМ

Нафрат ўлкасидан хижрат қилганман,  
Улфат диёрига маскан қурганман,  
Юзимни ўт эмас, гулга бурганман,  
Самовий завқларга тўлиб турганман  
Булбуллар севгини мактаган дамда!

Чечаклар ўсғуси кўз ёшларимдан,  
Бўғинлар унғуси ўйлашларимдан,  
Қалбларюмшағуси сайрашларимдан,  
Севги чаманида яйрашларимдан  
Жаннатлар яраттай ташланган жанда.

Тилинган тилларга қон югурғуси,  
Бўшалган инларга жонлар кирғуси,  
Тиканли боғчалар чечак кўрғуси,  
Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилғуси  
Жандалар танимга теккан кунларда!..

Adabiy do'stlik — abadiy do'stlik

Салим АШУР

## ДУНЁНИНГ ҲАР ЕРИДАН НИЗОМИЙ ВА НАВОИЙ КЎРИНУР...



Низомий деганда Озарбайжон, Озарбайжон деганда Низомий кўз олдимизга келади. Бу бежиз эмас. Низомий Ганжавий озарбайжон халқининг тимсолига айланган.

Ҳазрат Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида буюк Низомийни шайхлар қаторида зикр этган. Низомийда “...зохирий улум ва расмий истилоҳотдин баҳраи тамом...” (А.Навоий, “Насойим ул-муҳаббат”, 10-жилд, 483-бет) мавжуд бўлганини таъкидлаб, уни устоз маконида улуғлаган.

Низомий “панжасига панжа урмоқ” осон эмаслиги ҳақида дарсликларда ўқиганмиз. Ҳамид Олимжон 1939 йилда “Фарҳод ва Ширин” мақоласида шундай ёзди: “Навоий ўтган зўр ижодий йўлни ва у яратиб қолдирган ўлмас асарларни ҳисобга олиб айтиш мумкинки, Навоий ўз халқининг Низомий даражасидаги зўр арслони бўлиб етишди”.

16 avgust — Ibn Sino tavallud to'ngan kun

Шарқ тамаддунининг порлоқ юлдузларидан бири, шайхурраис Абу Али ибн Сино ҳақида сўз кетганда, аввало, унинг тиббиётга қўшган ҳиссаси ёдимизга келади.

## АЛЛОМАНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

Унинг тиб, фалсафа, илоҳиёт, математика, мусика, адабиёт, тил, мантқиқ каби соҳаларга доир асарларини чуқур ўрганиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан. Зеро, унинг ижодий мероси 479та асарда жамланган. Дунёни илм ва тафаккур орқали забт этган Ибн Сино асарлари кўп киррали, шу боис ҳам уларнинг янги жиҳатлари кашф қилинмоқда.


Ҳаёти турли ўлкаларда кечган олим илмдан, ижоддан асло тўхтамаган. Бухоро диёрида туғилиб ўсган бўлса, унинг хоки Ҳамдон шаҳрида қолган. Исфохон шаҳрида эса, аллома дарс берган мадраса мавжуд.

Асарлари нафақат дунёнинг кўп тилларига таржима ва тадқиқ қилинган. Беш

жилдан иборат “Тиб қонунлари” ўзбек тилида уч марта нашрдан чиққан ҳамда тиббиётга оид қарашлари сараланиб, “Тиббий ўғитлар” номи билан китоб шаклида эълон қилинган.

Аллома шеърларидан намуналар дарсликларга киритилган. Шоислом Шомухамедов, Жамол Камол, Абдусодиқ Ирисов, Эргаш Очилов унинг газаллари, рубойилари, қитъа ва фардлари ҳамда тиббиётга оид назмий парчаларни тилимизга ўтирган.

Алломанинг адабий меросини шартли равишда рамзий қиссалар ва эсдаликлар ҳамда турли жанрдаги шеърларга ажратиш мумкин. Рамзий қиссаларни ўрганиш шунинг учун ҳам аҳамиятлидирки, унинг фалсафий қарашлари мағзи шу асарларда мужассам.



## АДИБНИ ХОТИРЛАБ

Атоқли адиб Пиримқул Қодиров илк “Қадрим”, “Эрк”, “Мерос”, “Акрамининг саргузаштлари”, “Яйра институтга кирмоқчи”, “Насом” каби қиссалар, “Уч илди”, “Қора кўзлар”, “Олмос камар”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар доғони”, “Она лочин нидоси” каби романлар муаллифи.

Пиримқул Қодиров “Эл-юрт хурмати”, “Буюк хизматлари учун” орденлари ва “Шухрат” медали билан мукофотланган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Асарлари бир неча хориж тилларига таржима қилинган.

— Замонавий мавзуларга бағишланган “Қора кўзлар”, “Олмос камар” романларида, — деб ёзади академик Наим Каримов, — ёзувчи маънавий-ахлоқий масалалар билан бирга



Кишлоқ ҳаётида мавжуд бўлган жиддий муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратган. Шўро мафқураси 70-йилларда тарихий мавзунинг ёритилишига каттик қаршилик кўрсатганига қарамай, Пиримқул Қодиров Абдулла Қодирий, Ойбек, Шайхзода, Мирқарим Осим аъёнларини давом эттириб, “Юлдузли тунлар” романини ёзди. Ёзувчи бу асарида ўзбек халқи тарихининг муҳим саҳифаларидан бири — буюк шоир ва давлат арбоби Захриддин Мухаммад Бобур сиймосига мурожаат этиб, унинг мураккаб ва машаққатли ҳаёт йўлини ҳаққоний гавдалантириб берди.

11 август куни адиб ҳаётининг сўнгги кунларини ўтказган уйда тошлавҳа очилиши маросими бўлиб ўтди. Таникли шоир Ўткир Раҳмат, ёзувчи Шойим Бўтаев, филология фанлари доктори Мархабо

Ehtimom

Барно БЎРОНОВА,  
филология фанлари  
бўйича фалсафа доктори

Boshlanishi 1-sahifada

Шунингдек, ўқитувчилар ма- лака ошириш институтида маъ- рузалар ўқийман ва тингловчилар билан суҳбатларда ҳам кўплаб янгиликлардан хабардор бўлман. Умуман, халқаро илғор тажриба- лар билан ҳам, ўзимизнинг мак- таблардаги янгиликлар билан ҳам мунтазам танишиб бораман. Бир

намуналар”, “Биринчи устоз” номли услубий қўлланмалари чоп этилган. Шунингдек, Буюк Брита- нияда бўлган халқаро илмий-ама- лий анжуманда “Бошлангич таъ- лимда ўқитишнинг самарали шакл ва методлари” мавзусида маъруза қилиб, махсус диплом билан тақ- дирланди. Бундан ташқари, юрти- мизда ўтказилаётган таълим-тар- бия соҳасидаги анжуманларда

лишган, онаси бошқага турмушга чиққан, бола бувисининг қўлида қолган. Онаси баъзан мактабга ке- либ болага кўп пул бериб кетарди. 2-3 синфларда телефон олиб берди ва ҳоказо. Бу “ғамхўрлик” унинг бошқа болалардан ажралиб қоли- шига олиб келди. Бошлангич син- фларда бундай ҳолат билинмаслиги мумкин, аммо 6-7 синфда тарбияси су- ст болалар яққол ажралиб қола- ди. Бундай оилалар болалар тар- биясига ҳалал беради. Афсуски, оила билан боғлиқ муоммоларни тўла-тўқис бартараф этиш кийин. Ота-оналар фарзандларининг фан- ларни ўзлаштириш бўйича тутган алоҳида дафтари тўрт йил даво- мида кузатиб борилади. Бу аввалги кундалиқ дафтардан фарқ қилади, чунки унда 1-4 синф давомида бо- лалар бажарган машқлар ўз ифода- сини топган бўлади.

ринчи устозисиз. Улар орасида ўзингиз яхши кўрган, унутил- мас ўқувчилар кўпми? – Ҳаммасининг ўзига хос то- монлари бор. Баъзида шундай иқтидорли ўқувчилар чиқиб қо- ладими, уларга ота-оналар билан ҳамкорликда қўшимча таълим берилмаса бўлмайди. Аммо мен бошлангич синфда тўрт йил ўқит- ган, 2019 – 2020 йили мактабни битирган ўттиз нафар ўқувчим- нинг 28 нафари олий ўқув юртига ўқишга кирган эди ва кейинчалик ҳаётда ҳам улар ўз йўлларини топиб кетишди. Ҳозиргача улар билан хабарлашиб тураман. Мен уларни 5-синфга ўтиб, кейинча- лик мактабни битириб кетгунча кузатиб, маслаҳатларимни бериб бордим, синф раҳбарлари билан биргаликда ишладик. Ажойиб синф эди.

НУР БЎЛИБ ЯШАЙСАН ЁРУҒ ОЛАМДА

Yaxshilar yodi



Венгриялик машҳур тарихчи олим ва тур- кийшунос аллома, атоқли дипломат Янош Ҳо- вари вафоти муносабати билан ўзбек адаблари ва шoirлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшма- сининг кўп сонли аъзолари номидан марҳум- нинг оила аъзолари, дўсту биродарлари ва яқинларига ҳамдардлик билдираман. Ўзбек адабиётининг садоқатли дўсти ва тоғмас тарғиботчиси Янош Ҳовари жанобла- рининг 68 ёшида кутилмаган вафоти қалби- мизни чуқур изтиробга солди.

Биз туркий тилли шoirлар мижоз халқининг буюк шoirи Шандор Петё- фи таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан ТуркСОЙ ва Венгрия Пар- ламенти ҳамкорлигида ўтказилган халқаро шеърий таржима танловида қат- нашиб, шу йил 10-19 март кунлари Венгрияга борганимизда, Янош Ҳовари жаноблари билан учрашиб суҳбатлашган эдик. У киши Венгрия Миллий озод- лик байрами ҳамда Шандор Петёфи таваллудининг 200 йиллиги тантанала- ри ташкилотчиларидан бири эди. Шу муносабат билан 10 кун давом этган тадбирларда ёнимизда бўлди. Сафаримизнинг охири куни Туркий давлатлар ташкилотининг Будапештдаги қароргоҳида бизни Венгрия давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, элчилар, мижоз шoirлари ва адаблари даврасида қабул қилиб, мушоира ва давра суҳбати ўтказди, дастурхон ёзиб зиёфат бер- ди. Бир кўришдаёқ Янош Ҳоварининг ниҳоятда ҳаётсевар, меҳрибон ва самий- мий, айни пайтда чуқур билимли ва нозик дидли инсон эканини сездик. Ўша учрашувлар ва суҳбатлар давомида у киши юрагимизга жуда яқин оғамиздек бўлиб қолди. Венгриянинг туркий тилли давлатлар билан ўзаро алоқалари ривож учун жон куйдираётгани юз-кўзларидан, ҳаракатларидан, юракни тўлқинлантирадиган тафтли сўзларидан шундоққина билиниб турарди. Буда- пешт, Лакителек, Кечкимет, Яссентласло, Кишкунфельзаза, Бугач каби шаҳар ва қўрғонларда ўтказилган кизгин гурунгларида туркий тилли халқлар адаби- ётини мижоз тилига, мижоз адабиётини туркий тилларга таржима қилиш ва тарғиб этиш масалалари ҳақида кўйиб-ёниб сўзлаганлари ҳамон ёдимизда.

2023-yil – Insonga e'tibor va sifatli ta'lim yili



БИРИНЧИ УСТОЗ

сўз билан айтганда, буларнинг бар- часи менга куч-гайрат беради.

– Бошлангич таълим тизимида хориж тажрибасидан нималарни ўрганиш керак, деб ўйлайсиз?

– Айтиш мумкинки, аксарият ривожланган давлатлар таълим тизимида болаларнинг эркинли- гига алоҳида аҳамият берилади. Шунингдек, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ҳамкорлиги, бир-бирига мувофиқлиги диққатга сазовор. Мактабгача таълим муас- сасаларида таълим-тарбияга қатта эътибор қаратилади, аммо бу жара- ён болаларга хос ўйинлар асосига қурилади. Яна бир тажриба шун- даки, АҚШ ёки Туркия сингари мамлакатларда болалар беш ёшдан бошлаб мактабга қабул қилинади. Балки бу масалани мутахассислар атрофида ўйлаб кўришлари керак- дир. Чунки бугунги болалар бундан ўн ёки ўн беш йил олдинги бола- лардан кескин фарқ қилади. Йил- дан йилга ахборот оқими кучайиб борапти, болаларимизни қанчалик эрта тарбиялашга киришсак шун- чалик яхши. Ҳозирги пайтда бола- лар боғчаларга тўлиқ камраб олин- ган, боғчаларда эса таълим сифати ортиб бормоқда. Бунга янада кучай- тириш лозимдир. Хорижий иш та- жрибасини ўрганиш ва амалиётда қўллашда миллийликни сақлашни унутиб қўймаслик керак, ҳолос.

фаол иштироки, янги дарсликлар яратиш ва уларни тажрибадан ўт- казишда ҳам унинг жонкуярлиги ибратга молик. Шу ўринда каран- тин пайти ўқувчиларга телеви- дение орқали онлайн тарзда 360 соатдан зиёд дарс ўтганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

– Турли феъл-атворли, ҳар хил савиядаги ота-оналар билан муо- мала, муносабатда бўлиш кийин- чилик тугдирмайdimи?

– Мен ота-оналардан мамнун- ман. Улар ўқувчиларимнинг топ- ширикларни бажаришида яқиндан ёрдам беришади. Ота-оналар билан алоқани изчил йўлга қўйганмиз. Махсус телеграм каналимиз орқали улар ўз фарзандларининг билими ҳақида истаган вақтида маълумот олиши мумкин. Ота-оналар ишти- рокидаги мажлисларимиз алоҳида тадбир тарзида амалга оширилади. Масалан, охириги мажлислари- миздан бирида ўқувчиларнинг тў- гарак машғулотларга иштироки муҳокама қилинди. Унда болалар ота-оналар олдида намойиш этиш- ди. Биз ота-оналарга муаммоларни эмас, уларнинг ечимини, қилинган ишларнинг натижасини кўрсата- миз. Бу иш усулимизни янада рив- ожлантириш режаларини тузиб чиқамиз. Аммо мени ташвишга соладиган муаммолардан бири но- тинч оилалар фарзандларининг тақдиридир. Масалан, бундан уч- тўрт йил аввал ўқитган синфимда- ги бир ўқувчининг ота-онаси ажра-

– Бу бошлангич синф ўқитув- чиларининг иш ҳужжатларига рас- ман киритилмаган, менинчга.

– Тўғри. Бу менинг шахсий иш услубим. Болалар барча дарсларни синфда бажаради. Уйга вазибалар, асосан, шеър ёд олиш, ўқиш бўли- ши мумкин. Ўқувчилар уйга берил- ган вазифани тайёрлагач, дейлик, берилган шеърни ёдлаб, ёддан ай- тилган шеърни ота-оналар телефон- га ёзиб олиб, кечкурун менга юбо- ришлари мумкин. Телеграм бизга қатта ёрдам беради. Мен ҳар оқшом телефонимга келган хабарларни кўриб, ўрнида баҳолаб, ота-она- ларга қайта юбораман. Албатта, са- вол-жавоблар аслида дарс жараёни- да олиб борилади, аммо бир жиҳати бор: ота-оналар болаларининг дарс қилишларини ўзлари кўриб, гўё ўз- лари баҳо олгандек хурсанд бўли- шади. Қолаверса, навбатдаги дарсда болалардан уйга вазифа сўралмай- ди, чунки вазифани бажарганлари- ни биламан. Вақт тежалани. Хуллас, бизнинг кунлик машғулотларимиз мактабда ўтиладиган 4-5 соат дарс билан чекланмайди. Ота-оналар, ўқувчилар менга истаган пайтда мурожаат этиши мумкин. Мен эса, болалар дарсини ўзлаштиришлари учун барча имкониятлардан фойда- ланишга ҳаракат қиламан. Муҳими, ота-оналар фарзандларининг таъ- лим олиши жараёнида фаол ишти- рок этади. Бу жуда долзарб масала.

– Таълим-тарбия жараёнида энг муҳим масала нима?

– Аввало, болани ҳар бир сўзини тўлиқ ва тўғри адабий тилда талаффуз қилишга ўр- гатиш керак. Бу аниқ-тиниқ фикрлашга асос бўлади ва бошқалар билан фикр алма- шишда муҳим аҳамиятга эга. Болаларнинг она тилида раво- н сўзлаши қалай бўлганда ютуқла- рининг дебочасидир.

Машрабхон Умарованинг иш- ларига ривож тилаб, мактабдан чиқар эканман, кўпдан бери ўзим- ни қийнаб келаётган бир саволга жавоб топгандай бўлдим: бугун- ги замонавий ўқитувчи қандай бўлиши керак? Замонамиз қаҳра- монни демокчи эмасман. Шунчаки бизнинг болалик тасавурумиз- да қолган хурмагли, билимли, ўқувчиларга ибрат бўладиган, ота-оналар кадрлайдиган ўқитув- чи тимсоли ҳақида ўйлаяпман. Ҳар бир даврининг ўз устозла- ри бўлади. Балки бугунги ўзбек ўқитувчиси Машрабхон Умарова сингари ҳаракатчан, ижодкор, били- мли, ўз соҳасига доир хорижий иш тажрибаларини пухта эгалла- ган, дарсларини самарали ташкил этиш учун ҳар қандай қолипни бузишга қодир, ташаббускор бў- лиши керакдир.

– Мана, 27 йилдан буён бола- ларга ҳарф ўргатиб, сабоқ бердин- гиз. Минглаб ўқувчиларнинг би-

– Бу бошлангич синф ўқитув- чиларининг иш ҳужжатларига рас- ман киритилмаган, менинчга.

– Тўғри. Бу менинг шахсий иш услубим. Болалар барча дарсларни синфда бажаради. Уйга вазибалар, асосан, шеър ёд олиш, ўқиш бўли- ши мумкин. Ўқувчилар уйга берил- ган вазифани тайёрлагач, дейлик, берилган шеърни ёдлаб, ёддан ай- тилган шеърни ота-оналар телефон- га ёзиб олиб, кечкурун менга юбо- ришлари мумкин. Телеграм бизга қатта ёрдам беради. Мен ҳар оқшом телефонимга келган хабарларни кўриб, ўрнида баҳолаб, ота-она- ларга қайта юбораман. Албатта, са- вол-жавоблар аслида дарс жараёни- да олиб борилади, аммо бир жиҳати бор: ота-оналар болаларининг дарс қилишларини ўзлари кўриб, гўё ўз- лари баҳо олгандек хурсанд бўли- шади. Қолаверса, навбатдаги дарсда болалардан уйга вазифа сўралмай- ди, чунки вазифани бажарганлари- ни биламан. Вақт тежалани. Хуллас, бизнинг кунлик машғулотларимиз мактабда ўтиладиган 4-5 соат дарс билан чекланмайди. Ота-оналар, ўқувчилар менга истаган пайтда мурожаат этиши мумкин. Мен эса, болалар дарсини ўзлаштиришлари учун барча имкониятлардан фойда- ланишга ҳаракат қиламан. Муҳими, ота-оналар фарзандларининг таъ- лим олиши жараёнида фаол ишти- рок этади. Бу жуда долзарб масала.

– Таълим-тарбия жараёнида энг муҳим масала нима?

– Аввало, болани ҳар бир сўзини тўлиқ ва тўғри адабий тилда талаффуз қилишга ўр- гатиш керак. Бу аниқ-тиниқ фикрлашга асос бўлади ва бошқалар билан фикр алма- шишда муҳим аҳамиятга эга. Болаларнинг она тилида раво- н сўзлаши қалай бўлганда ютуқла- рининг дебочасидир.

Машрабхон Умарованинг иш- ларига ривож тилаб, мактабдан чиқар эканман, кўпдан бери ўзим- ни қийнаб келаётган бир саволга жавоб топгандай бўлдим: бугун- ги замонавий ўқитувчи қандай бўлиши керак? Замонамиз қаҳра- монни демокчи эмасман. Шунчаки бизнинг болалик тасавурумиз- да қолган хурмагли, билимли, ўқувчиларга ибрат бўладиган, ота-оналар кадрлайдиган ўқитув- чи тимсоли ҳақида ўйлаяпман. Ҳар бир даврининг ўз устозла- ри бўлади. Балки бугунги ўзбек ўқитувчиси Машрабхон Умарова сингари ҳаракатчан, ижодкор, били- мли, ўз соҳасига доир хорижий иш тажрибаларини пухта эгалла- ган, дарсларини самарали ташкил этиш учун ҳар қандай қолипни бузишга қодир, ташаббускор бў- лиши керакдир.

– Мана, 27 йилдан буён бола- ларга ҳарф ўргатиб, сабоқ бердин- гиз. Минглаб ўқувчиларнинг би-

ЯНОШ ҲОВАРИ ВАФОТИГА

Чин мижоз ўғлини Ҳовари Янош, Юрагимда қайгу, кўзларимда ёш. Мангу ором олиб ухлайсан энди, Мижоз тупроғига қўйиб маънос бош.

Чин мижоз ўғлини Ҳовари Янош, Ҳаёт билан ўлим мисли кўзу қош. Яна бир бор хўнграб тўлганди Дунай, Будапешт азанга бермоқда бардош.

Чин мижоз ўғлини Ҳовари Янош, Бошимга тушгандай бўлди оғир тош. Не учун ажалнинг давоси йўқдир?! Не учун ўлимнинг сири бўлмас фож?!?

Қанча ғам-қайғуни кўрди ғариб бош, Кўздан оққан ёшдан захар бўлди ош. Ғамингда бош эгиб турибман, дўстим, Мижоз қардошимга бўлиб елкадош.

Чин мижоз ўғлини Ҳовари Янош, Сен туркий улусга қариндош, қондош. Нур бўлиб яшайсан ёруғ оламда, Токи нур сочаркан осмонда қуёш.

Янош... Янош... Янош...

Рустам МУСУРМОН, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқаро адабий алоқалар ва бадий таржима бўлими бошлиғи

АЛЛОМАНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

Бошланиши 1-саҳифада

Муаллиф Фардзон зиндонда бўлган пайтда ёз- ган “Қуш ҳикояти” қиссасидан таъсирланиб Муҳам- мад Ғаззолий, Суҳравардий, Аттор шу асосда асарлар яратганлар. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” дostonи гезезисини айнан шу асар ташкил этади.

Шунингдек, “Ҳай ибн Яқзон” (“Уйғок ўғли Тирик”) рисоласи ҳам Фардзон зиндонда яра- тилган. Шайхурраиснинг шогирди Абу Мансур ибн Тохир ибн Зила ушбу асарни араб тилидан ўғириб, унга мукаммал шарҳ ҳам илова қилган.

Ибн Синонинг тугалланмай қолган асари — “Таржимаи ҳол” (“Саргузашт”)ни шогирди Жуз- жоний якунлаган. Унда шайхурраиснинг болали- гидан бошлаб вафотигача бўлган воқеа-ходисалар қисқача тасвирланган.

Аллома ижтимоий-фалсафий қарашлари ҳуло- сасини баён этиш учун лирик жанрлардан фойда- ланган. Шеърий тўпламларида ижтимоий-фалса- фий, дидактик, ишқий ва ҳасби ҳол мавзуларига бағишланган шеърий парчалар учрайди.

Фалсафий дунёқараши қаймоғини ташкил эт- ган шеърий парчалар муаллифнинг бой тафаккури махсуслидир. Ҳикматли шеърларини ўқир эканмиз, кўзимиз ўнгида етуқ файласуф ва жасоратли шoir гавдаланади. У олий мақсади йўлида ҳеч нарса тўсик бўла олмаслигини баён қилган ва маънавий камолот йўлида ўзи намуна бўлган. Шеърлари унинг ҳаёти ва тафаккур тарзидан хабар бериб туради, яъни мисра- ларда келтирилган гўзал намуналар бошқа жойларда айtilган ҳикматли сўзлари билан ҳамохандир.

Хўш, шундай экан, нима учун кўпчилиқ уни фақат тиббиётга қўшган ҳиссаси туфайли ёдга олади? Бойси, аллома халқ ичида ҳаким ёки фай- ласуф сифатида танилган. Шoirлиги эса, кўп ҳам

кўзга ташланмаган.

Рубой жанрининг ўзига хос хусусияти шунда- ки, биринчи ва иккинчи сатрларда бирор масала кўтарилади ва учинчи ҳамда тўртинчи мисраларда фикрлар ҳулосаси жамланади. Бундай усул эса, тур- ли фалсафий фикрларни баён қилишда қўл келади. Ибн Синога мансуб рубойларни ўқиганда, уларда айнан шу хусусиятлар мужассамлигини пайқаш мумкин. Аллома рубойлари турли мавзуларни камраб олган: дунёнинг бебақолиги, маънавий ка- молот, ишқ жозибаси ва аҳамияти, ҳасаднинг ёмон- лиги ва ҳоказо. У ҳар доим рубойининг охирида ҳулосавий фикрни келтиради. Яъни ҳар бир рубо- йида мавзу турлича бўлиши мумкин, аммо масала- ни ўртага ташлаб, унга ечим топиш услуби ўхшаш. Хайёмнинг фалсафий рубойлари шаклланишига Ибн Синонинг шеърлари туртки бўлган. Шундан келиб чиқиб фалсафий рубойлар, асосан, Ибн Си- нода шаклланган бўлса, Хайём ижодидида чўққисига етди, десак мунолага бўлмайди.

Ибн Синонинг санокли рубойлари неча юз йилдан бери халқ хотирасида сақланиб келмоқда. Қаро ер қавридан то авжи Зуҳал Коинот мушкулун барин қилдим ҳал. Кўп мушкул туғунин ангадими, ечдим, Ечилмай қолгани биргина ажал. (Абдусодиқ Ирисов таржимаси.)

Абу Али Сино табиб сифатида барча касалли- кларнинг давосини топган бўлса-да, ўлимга ҳеч қандай даво йўқлигини эътироф этган. Аллоҳ башариятга кўп имкониятлар берди, инсоният барча соҳаларда янги кашфиётларга эришди, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан юксалди, лекин ўлим олдида ожиз қолди. Бу эса инсон ҳаёти Хо- ликнинг иродасига боғлиқлигини кўрсатади.

Ибн Сино маънавий камолотга эришишни энг

асосий вазифа деб белгиланган. “Таржимаи ҳол” асарида: “Ўз камолотига эришмаганлар данга- са ҳисобланади”, деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, вақт ўлчаб берилган, дунё вақтинча яшаш учун мўлжалланган манзил, бу ерга келиб, камолотга эришиш олий мақсад ҳисобланади.

Муаллифнинг бир китъасида инсон акли би- лан кўп нарсага эришиши мумкин, акс ҳолда тубанликка тушиб қолади, деган маъно мужас- сам. Аллома инсоннинг асосий қуроли билим ва ақл-тафаккур эканини ҳисобга олган ҳолда, инсо- ниятни маънавий камолотга қорлайди. Унингча, қомил ақл инсониятни ҳар қандай ноҳўя эҳтирос ва ғафлатдан қутқаради. Инсонга берилган умр ниҳоятда қисқа, у бироз муддатдан кейин Зуннун (Юнус алайҳиссалом) балиқ қорнига тушгани каби тақдир қомига тушиб йўқ бўлади. Шунинг учун ақлни тўғри ишга солиш ва вақтдан унумли фойдаланиш масаласи кўндалан қўйилган.

Охириги вақтларда Ибн Сино қаламига мансуб янги китъа ва рубойлар аниқланган. Улар орқали алломанинг фалсафий-ижтимоий қарашларидан хабардор бўлиш имкони бор. Янги топилган шеър- лар билан ҳисоблаганда, Ибн Синонинг лирик шеърлари тўртта ғазал, саккизта китъа, қирқта ру- бойи ва учта фарддан иборат. Умумий тарзда муал- лифнинг араб тилидаги шеърларидан ташқари 141 байт назмий мероси мавжудлиги аниқланган.

Ибн Сино шеърларининг тўла нашири ҳали чиқмаган. Бу борада изланишлар олиб бориб, шеърий девонини тузиб нашр этиш тадқиқотчи- лар олдидаги долзарб вазифадир.

Хусрав ҲАМИДОВ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори


Taqdimot

ШАРАФЛИ ЙЎЛ



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшма- сида таникли ёзув- чи Абдуқаюм Йўл- дошевнинг “Шараф йўли” романи ҳамда шoirа Сайёра Тўйчиеванинг “Ша- рофнома” номли дoston ва эсселар таникли ёзув- чи Шароф Ра- шидовнинг беназир шахси ҳамда тўпلام тақдироти бўлиб ўтди.

Иллар ўтган сайин халқи- мизнинг улғу фарзанди, атоқли давлат арбоби ва адиб Шароф Ра- шидовнинг беназир шахси ҳамда тўпلام тақдироти бўлиб ўтди. Иллар ўтган сайин халқи- мизнинг улғу фарзанди, атоқли давлат арбоби ва адиб Шароф Ра- шидовнинг беназир шахси ҳамда тўпلام тақдироти бўлиб ўтди. Иллар ўтган сайин халқи- мизнинг улғу фарзанди, атоқли давлат арбоби ва адиб Шароф Ра- шидовнинг беназир шахси ҳамда тўпلام тақдироти бўлиб ўтди.



асарлар бугунги кунни- миз учун ҳам қўламдор ҳулосалар, сабоқлар чиқаришга ундай- ди. Айниқса, “Шараф йўли” китобидан илк ўзбек адвокати, тала- ба ёшидаёқ улғу адиб Лев Толстойга мактуб ёзиб, унинг “Ёвузлик- ка қарши ёвузлик бил- лан жавоб бермаслик”

гоёси борасида бахшлаша олган таникли ношир, режиссёр, таржимон, шўро қагағони қур- бони Убайдулла Ҳўжаев ҳақи- даги “Жадид” қиссасининг ўрин олгани алоҳида аҳамият- га молик. Тадбирда Ўзбекистон Ёзув- чилар уюшмаси раиси Сиро- жиддин Саййид, таникли ижод- қорлар Маҳмуд Тоир, Эшқобил Шукур, Маматқул Ҳазратқулов, Шухрат Жабборов, Муҳид- дин Нарзиқулов ва бошқалар иштирок этади. Сўзга чиқкин- лар адиб Абдуқаюм Йўлдошев ҳамда шoirа Сайёра Тўйчиева асарларининг мазмун-моҳияти ҳақида фикр билдиришди.

Зулайхо АҲМАДЖОНОВА

КЎЗИМ КЎЗИНГА ТУШДИ

Тўлан НИЗОМ, Ўзбекистон халқ шоири



ДЕВОНАМАН

ШЕКИЛЛИ

На қилай, роҳатим йўқ, Ишимда бир унум йўқ, Соғинаман васлингни, Ўйламаган куним йўқ. Шейр айтмаган куним йўқ, Шейр битмаган туним йўқ. Кўзим кўзингга тушди, Мен ёнаман, шекилли, Девонаман, шекилли, Тўлғонаман, шекилли.

Шул боис юзим сарик, Боғларга келди хазон, Дил куяр, иймон куяр, Ўтларга тушди забон, Навоий ўқир эрдим, Мажнунга бўлиб хайрон, Кўзим кўзингга тушди, Мен ёнаман, шекилли, Девонаман, шекилли, Тўлғонаман, шекилли.

Гул кўтариб ўтарман, Бу севги кўчасидан, Садоқатда муқимман, Ошиқлар нечасидан, Етмасам – учиб чиқур Юрак ўз гўшасидан, Кўзим кўзингга тушди, Мен ёнаман, шекилли, Девонаман, шекилли, Тўлғонаман, шекилли.

Чирогингга урилган, Парвонаман, шекилли, Ишқингга тупрок ўлдим, Уйғонаман, шекилли. Шоирлигим не бўлди, Мен тонаман, шекилли. Кўзим кўзингга тушди, Мен ёнаман, шекилли, Девонаман, шекилли, Тўлғонаман, шекилли.

ШЕЪР АЙТТИМ КЕЛЯПТИ, ОНАЖОН

Қора тун тарқалур, нур яқин, Жисмимни куйдирар бир чақин, Соғинчдан юрагим зўр оқин, Ларзага келтириб кўк тоқин Шейр айтгим келяпти, Онажон!

Суратинг ҳеч кўзимдан кетмас, Дод десам-да, овозим етмас, Ер-ку бориб хабарим айтмас, Дардим битмас, шейрларим битмас, Шейр айтгим келяпти, Онажон!

Мозорингга ўтказдим бир гул, Эртаю кеч йиғлаб турар ул, Бош кўтаргил, унга караб кул, Шоҳларига кўнсайди булбул, Шейр айтгим келяпти, Онажон.

Қолдим баъзан ғам ичра нолон, Шунчалар ҳам тормикан жаҳон, Кўнгил оғрир, жигарим ҳам қон, Садо қилмас ер билан осмон, Шейр айтгим келяпти, Онажон!

Отам ўтди кўрмай рўшнолик, Ундан мерос — дўстлик, ошнолик, Отасизлик — ачқик ташналик, Ота бўлиб йўлга бошладинг, Шейр айтгим келяпти, Онажон!

Бола эдим, кетмонни олиб, Далаларга чиқдим йўл солиб, Кечда қайтдим чарчаб ва толиб, Сўнг ром этди, шейр экан ғолиб, Шейр айтгим келяпти, Онажон!

Навоий тушимга кирди неча қур, Бобур кўз олдимда тик, мағрур, Машраб деди: юр, мен билан юр, Қўлимдан ушлади Миртемир, Шейр айтгим келяпти, Онажон!

Кўп шаҳарлар кездим сарсари, Андижоним эмасди бари, Фарғона ҳам юртлар сарвари — Деган эдинг менга илгари, Шейр айтгим келяпти, Онажон!

Келин кўрсам, деб айтган эдинг, Набиралар ғамин ҳам эдинг, Бош ўғлимни бу Бунёд, дединг, Кичкинасин бу Озод, дединг, Шейр айтгим келяпти, Онажон!

Сенга ўхшаш одам бормикан, Она каби ҳамдам бормикан, Она номли зўр ғам бормикан, Онасиз ҳам олам бормикан, Шейр айтгим келяпти, Онажон!

Сенсан мадақкорим, Сен – кучим, Эзгуликка тўлган бор ичим, Ҳеч кимга йўқ ҳасадим, ўчим, Шейрга битмоқ фарзандлик бурчим, Шейр айтгим келяпти, Онажон!

Гулбахор САИД ҒАНИ

ШАБНАМ ТОМЧИСИДЕК ТОЗА ТУЙГУДА



ЎҒАЙМГА

Натюрморт – бу ўлик табиат. Сенинг мўйқаламингда Тирик, яшаётир Изтироб, армон. Улар ўлмайдилар Мангу, Ҳеч қачон... Сенинг мўйқаламингда Ўлик бўлсин Риё ва ҳасад. Тирик қолсин жумлаи жаҳон. Кўзларимни чизгин, болажон, Сўник юлдузларнинг рақси бор унда! Ўлик уммонларнинг туби у – қора. Натюрморт – бу ўлик табиат. Сенинг мўйқаламингда Титраб турар орзули хаёт! Бўёқларга жон бериб, дилни Яшатмасанг – мўйқаламини от! Унгача бу мен кўрган хаёт, Хаёт, хайхот– Натюрморт...

\*\*\*

Яшагим келяпти... Шабнам томчисидек тоза туйғуда. Яшагим келяпти... Куннинг севинчида, Тун ўтинчида. Яшагим келяпти қароғинг ичра, Гуллар чаман бўлган хур боғинг ичра, Мажнун жунунда, Ишқ афсунида, Йиллар орзусида, Азоб кўксидан... Мендан йироқлаган Хур сасларингда... Яшагим келяпти... Нафасларингда...

\*\*\*

Вакт айирмас бизларни. Вакт айирар ким кимдир. Сени вақтнинг ҳукмидан Дилга олиб ўтгумдур.

Тонгда шабнам тўкилган Хазонлар-ла уйғондим. Сени йиллар бағридан Нафас-нафас кизгондим.

Жон қушимга жон бергил Кафтингдаги юракдан. Менга икки дунёда Ёлғиз сенсан, керакан!

Йиллар, ойлар кечгайми Қадаримдан, кадримдан. Япроқлар саргайгайми Юзимдаги зардимдан.

Бу дунёда фироқ йўқ, Муҳаббатдир қафасим! Сендан ўзга дунём йўқ, Сенсан менинг нафасим!

\*\*\*

Мен ҳаётни енгиб яшадим, Бўронларга қарши югуриб. Имдод тилаб чўзмадим қўлим, Йиқилсамда ўрнимдан туриб.

Мен ҳаётни енгиб яшадим, Сени кўрар лаҳзани кутиб. Кўзларингни кўрмоққа келдим Шунча йиллар йўл босиб ўтиб...

\*\*\*

Қорлар ётиб ўтди изларга... Тунга чакнаб чиқди юлдузлар. Булутларнинг ортида ухлар Сени кўрган бахтли кундузлар.

Поезд елар, фироқлар солар, Тун бағрини борар поралаб. Темир издан чикмас ташқари, Манзиллини борар коралаб...

Қорлар ёғар. Нур тўла перрон. Оғушида видо қолажақ. Ўтмиш деган поезд мен билан Бошқа изга тушган қолажақ...

\*\*\*

Ҳижронинг ичинда тугилдим. Мен қайта тугилдим азоб ичинда. Сенга шараф бўлсин, Тугилган куним!

ҚЎШИҚЧИ ҚЎЗ ҲАҚИДА БАЛАДА

(Америкалик жаз қўшиқчиси Жина Чавез концертдан илҳомланиб)

Ўша кеч йиғлади саксофон, Гитара носиси кўп махзун. Чироқлар ўчади ва зумда Саҳнани босади куюқ тун. Олкишлар остида куйладим, Зал томон таралар куйларим! Билмасанг, нигоҳинг кидириб Дилпора – мен сени куйладим. Англадинг ёки йўқ қалбимни, Қўшиғим зарҳалдан кийди тўн. Авжига етганда хар ҳолда Дош бермас дардимга микрофон. Сен учун куйлаган қўшиғим Қалбларни айлади хўп асир. Лек етиб бормасди сен томон Бир бахтсиз аёлнинг носиси. Мусика янгради соатлаб, Ёш-яланг ўйнайди хуш-хандон. Англамас, бўлиниб боряпти Қўшиғим бағрида юрак қон. Ранго-ранг садолар остида Тўлкинга айлиниб сузар сўз. Ишқ чўгин кафтда тут, севгилим, Мен – ишқни куйлаган бир қакнус! Зал тўла қийқирик. Кетсан Томоша залидан юлқиниб. Мен айта олмаيمان: “Тўхта!” деб, Қоларман дардимга юқиниб. Гитара, йиғлама, гитара! Қалб торинг кетдими зириллаб! Таъкидлаб ўтирма, ногора, Биз уни бормасмиз ҳеч излаб! Ошиқ бўлган бутун Фарғона Қўшиғим куйлайди эртага, Сен бўлсанг яшайсан бепарво Аламли қўшиқлар юртида. Бағримдан узилма, севгилим! Айрилма қўшиғим бағридан! Сен қайтсанг – шу милён олқишнинг Мен кечиб кетаман баҳридан! Ўша кеч йиғлади саксофон, Ёмғирлар йиғлади мастона. Ўртаниб титради қаққашон, Кўзимга тор энди Фарғона! Ўша кеч йиғлади саксофон...

\*\*\*

Сенсиз етиб олдим қузга, Хавотирланма. Ўшанда бир чакмоқ урганди бизни. Ўшанда баҳорга етолмадик биз.

Саратон куёши урдими, дема. Ишқинг отасидан ортиқроқ не бор? Бутун ёзлар бўйи уфурди оҳим, Жизганак кўнглимда бир ботмон озор.

Қузга етиб олдим, хавотирланма. Сенсиз келдим, кара, бир умр кўрқмай. Ортиг, сен қай йўлда адашиб кетдинг? Ортигда баҳор йўқ, ёнингда йўқ ёз.

\*\*\*

Кўндимми, Кўникдимми? Сўндимми, Сўникдимми? Ундимми, Уникдимми? Ё шунга кўникдимми?..

Никоуа

ҲАКИМ САТТОРИЙ



Шоир, ёзувчи ва публицист ўзлари сезмаган ҳолда ҳамроҳ бўлиб қолишди.

Тамаддихона ёнидан ўтавериб, ёзувчи:

– Э, шоир руҳини шод этмаймизми? – деб юборди.

– Жўяли таклиф, – деди публицист.

Шоир ўзига ярашқили шоирона жавоб килди:

– Қирғоқларда яшар ёдим менинг, Бир кун эслагай авлодим менинг.

Сухбатнинг авжи баланд бўлди. Диллар дилларга туташ, кўз кўздан меҳр олади, дунё ўртада, учовдан қуён ҳам қочиб кутуллолмайди.

Бугун публицист анча жўшқин эди, у пиёла четини чертиб, сўз бошлади:

– Биз давр синовлари олдида тиз чўкмаслигимиз керак, бизни нурли қолажақ кутмоқда.

Ёзувчи қўшимча килди:

– Воқеаларнинг теран таҳлили қалбга ёруғлик олиб келмоқда, ҳамма муждалар хайрли оқибат дарагини келтираётир.

Шоир иккаласининг умидини янада кучайтирди:

– Ҳеч вақт булутда қолмаган офтоб, Гарчи қиш чўзилди анча муддатга. Авлодим қўлида кўраман китоб, Кинога тушишлар қирар одатга.

Гурунг авжидан қуйи энмади. Машварат алламаҳалгача чўзилди.

Улар кўчага чиққанда, одамлар сийрақлашиб қолган, барча емакхоналар бекилган, учаласи ҳам оч ва хушёр эди.

Учовлон тезда бир-бирини соғинди.

Бир куни публицист телефон килиб, бироз тортиниб, бироз қимтиниб, шивирлади:

– Шоир руҳини шод қилмаймизми?

Таклиф жон деб қабул қилинди, зум ўтмай учовнинг боши қовушди.

Бу гал таклиф қимдан чиққан бўлса, ўша “терлади”, учов анча сархуш ва тўқ ҳолда тарқалишди.

Қарабсизки, бир иждодий гурух пайдо бўлди.

Бу атрофда уларнинг назари тегмаган мавзу қолмагач, энди жаҳон саҳнини кўзлаб от суришга бошладилар.

– Бир классигимиз Римга парда тортибди, – деди бир кун ёзувчи.

– Мен Афганини хира қилиб ташлайман, – лабларини қимтиб, жўшиб сўз қотди шоир.

– Менинг кўнглим эса ҳамон бедапояда, – деди публицист негадир мингирлаб.

Шижоат мавзуда ҳам, қоинот ва Ер шарида ҳам ҳар қандай чегарани писанд қилмас эди.

Ана шундай оловнафас кунларнинг бирида шоир ва ёзувчи учинчи ҳамроҳнинг қўлтигидан олиб, шивирлаб:

иккалалари “Сенсиз ҳам даҳолар кўп, мажолис ун-нафосдан баҳраманд бўлиб юравермайсанми?” тарзидаги мулоҳазага борган бўлишса, ажаб эмас. Негаки, калин журнал деярли қасодга учраган, фақат ҳомийлар маблағи эвазига йилда икки-уч сони чиқиб турарди. Бу ҳақиқатни эса қатта адабиёт оstonасида турган муҳлисга айтиб бўлмайди; қўйинг, у боқира хаёллар оғушида, болалик эътиқоди билан яшайверсин, бир кун боши деворга тегса, ўшанда алданганини билади. Ҳозир парк булутлар кучоғидамикан, уйғонгунча роҳат қилаверсин.

– Мен сизни тушундим, – деди шоир, у вазифа жиҳатидан қаттароқ

эди шекилли, – асарингиз чиқади бизда, у сизга қатта шуҳрат олиб келади, фақат шовилманг, пишинг. Пишитаверинг. Тайёри борми?

У публицистнинг бунчалик хиралигини билмаган эди, осон қутила олмаслигини сезди.

– Бўлмаса, – деди чўзиб, – электрон вариантини олиб келасиз.

Публицист орзуси ушалгандай хурсанд бўлди, бу сафар анжуман ҳар доимдагидан ҳам кўтаринки, баланд даражада ўтди. Қисқаси, ҳар учрашувга баҳона топилар эди. Ниҳоят, шоир дангал сўз берди:

– Йилнинг охиригача чиқади. Ёзувчи қувватлади.

Журналининг охириги сони эса... оператив материаллардан ортмади.

Публицист хафа бўлди.

Энди адабий анжуман қизгандан-қизиди.

Сухбатда ғийбат йўқ эди, соф санъат муаммолари юзасидан жўшиб, манфаатдорлик билан фикр юритишарди.

Айниқса, публицист хурсанд эди, қатта адабиёт майдонига нечанчи ракам билан қадам қўйиши, ундан кейинги фараҳли кунлар ҳақида ширин-ширин орзу қиларди.

Бирок... бирок амалий иш кўзга ташланмаётган эди.

Бир кун публицист, “Нима бало, пирлар мени бутилканинг ичига жойлаб, биратўла адабиёт тахтига иргитишадими?” деган мулоҳазага борди ва калласига келган фикрдан кўркиб кетди.

“Шаккоклик қилма, – дерди ички бир овоз, – ҳали тўла синовдан ўтмадинг. Бу кўринг битта тўртликка ҳам етмайди”.

Ниҳоят, навбатдаги “Шоир руҳини шод эттиш”дан олдин юрак ютиб, шундай деди:

– Мен ҳам мўътабар саҳифаларда кўринсам, деган эдим.

Бу гапдан ёзувчи хижолат бўлди, шоирнинг ранги ўчди. Эҳтимол, ҳар


УЧОВЛОН

XX asr o'zbek adabiyoti

Манзар АБДУЛХАЙР,  
филология фанлари доктори

Ўзбек адабиёти бадий тафаккурида XX асрда бир йўла уч мартаба туб бурилиш кузатилади. Дастлабки ўн йилликларидан жадидлар, олтинчи йилларда «илиқлик даври» шарофати билан бир қатор шоирлар авлоди, ниҳоят, тўқсонинчи йилларнинг охирида миллий адабиётда, хусусан, шеърятда кескин юксалиш бўлди. Бу шоирлар шеърятини ранг-баранг рамз ва тимсолларга бойлиги билан ажралиб туради. Рауф Парфи шеърини машиқларининг илк давриданок Чўлпонга пайравлик қилди, эргашди.

# «ХАЙР ЭНДИ, ШЕЪРИЯТГА КЎМИЛГАН ҲАЁТ...»



Унинг қўлма-қўл ўқиладиган шеърларини ёд олиш билан кифояланмасдан, уларни қалб сардафтарига тобад муҳради. Рауф Парфи Чўлпонни устоз билгани, унинг шонли йўлини давом эттириш ниятида эканини йигирма беш ёшида, 1968 йили чоп этилган илк шеърини мажмуаси «Карвон йўли»нинг дастлабки шеъри – мунгзада сонетдаёқ баралла овоза қилган. Унда Чўлпоннинг «Кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам хур туғилгонсен» даъватига ҳамоҳанг, чўлпонона, бироқ Рауф Парфи кўнгил мулкида тобланган илоҳий жазба янграйди:

*Эй само, эй замин, эй инсон – қодир,  
Гуллар, чечакларга тўлсан оёдин йўл,  
Нафосатга ахир чидамли одам.  
Бу кун Сен бошқасан, дунё бошқадир...  
Сен-да хўр тугилдинг, бир қўйла, бир ўл,  
Ва билгил қайларда сарсондир алам...*

Шоир 1980 йилда ёзилган машхур «Оғрик» сонетлар туркумида:  
*Рўжа имон бергил, эй қодир ҳаёт –*  
дея ҳайқиради.

«Иждокор эътиқодига хиёнат қилмаслиги керак», деган нақлни умрбод шоир қилган Рауф Парфининг бундай эътиқодталаблиги ажаблантормайди. Бироқ унинг «қизил мафкура» ҳукмронлиги шароитида мана шундай мардона имонталаблиги кишини хайратта солади.

Рауф Парфи ўзбек адабиётини жаҳон модерн шеърятига боғлаш билан ўзига, ўзбек адабиётига янги йўл очиб, унинг асосчиси бўла олади. Аскад Мухтор бошлаган «эксперимент»ларни чинакам санъат, бутун, яхлит адабиёт даражасига кўтара билди.

Рауф Парфи ижодида Бодлер шеърятини билан ҳамоҳанглик мавжуд. Бодлер: «Изтироб – мангу шухрат қасрига элтар ёлғиз йўл» деб таъкидлаган, Рауф Парфи: «Шоирнинг ониси изтироб, ахир», дея эътилади. Икки хил ифода қилинган ягона шоирона фикр. Бодлер шоирона илҳом жазаваси, изтиробни йўлга қийслади. Рауф Парфи эса бу фикрни ривожлантиради, кучайтиради, изтиробни шоирнинг ониси деб таъкидлаш асносида, уни шоирлик идеясининг тамал тоши сифатида талқин этади.

Рауф Парфи шеърларида, айниқса, «ой», «тун», «ёмғир» сўзлари тимсол даражасига кўтарилган.

Шоир шеърларида «юррак», «қалб», «кўнгил», «қўкс» сўзи билан баравар мақомда «руҳ», «хуррият», «руҳининг қуши» иборалари ҳам тилга олиндики, бу калимаю иборалар негизда рамз ва тимсолларга бой мазмун-моҳият яширин. Шоир «Изтиробдан ўлмас шоирнинг қалби», «Юрагимда кўхна андухлар» дея баралла хитоб қилар экан, ўзининг қалб қиши эканлигини таъкидлайди. Тўғри, кўнгил тимсоли қадим мавзу. Лекин шоир шу кўхна мавзуну янада ривожлантириб, уни янги рамзлар билан бойитишда давом этади: «Рамз – воқеликнинг тимсоллидир. Воқеликнинг айнан ўзи гўзал эмас, унинг тимсоли гўзалдир. Илло, тош эмас, тошга йўнилган ҳаёл гўзал. Адабиётнинг илоҳий кучи – ана шу ҳаёлни ярата олишда кўринади. Иждо яратишдир. Яратиш эса илоҳиётга дахлдорликдир. Яратиш завқи барча завқдан, яратиш азоби барча азобдан юксакроқдир. Гўзаллик яратиш эса – бу илоҳиётни чархлашдир».

*Мен хонамга киргайман алҳол,  
Юрагимда кўхна андухлар.  
Деразмага урилар шамол,  
Қайдасан сен? Қайда ул руҳлар?..*

Энг муҳими, Рауф Парфи шеърятини да мунтоз шеърятимиздаги анъанавийликка хос тажриб, тафрид (ёлғизлиги) ҳолатлари каламга олинади. Бинобарин, Рауф Парфи ёлғизлик изтиробларини «Сабр дарахти», «Сўнгги видо» шеърини тўпламларида кўп мартаба тилга олади.

Шу ўринда Рауф Парфининг «Ёмғир эмас, марварид ёғар» сатрлари билан бошланувчи шеърини «ёмғир» поэтик образлиги билан ажралиб туришини алоҳида таъкидлаш зарур:

*Ёмғир эмас, марварид ёғар,  
Ёмғир – кеча шаклида бу он.  
Сув сингари жилдираб оқар,  
Кеча кечар шод ва беармон.*

Фикримизча, «ой», «тун», «ёмғир», «кўнгил» ва «ёлғизлик» тимсоли

шоир шеърларида «руҳий хуррият», «маънавият», «маърифат», «азалият ва абадият» каби чуқур фалсафий-ирфоний тушунчаларни ҳам ифодалаб келган.

Шоир учун сўз нон-сув каби қундалик эҳтиёждир. У ҳар бир сўзга заргараона ишлов беради. Албатта, қадимдан чинакам сўз санъаткорлари сўзга ана шундай ёндашганлар. У поёнсиз уммондир. Зеро, сўз ҳақида қадим IV–VI аср Веда адабиёти матнларида кизикарли маълумотлар учрайди, яъни уларда Сўз (Нутк) илоҳий кўшиқ ва билим воситасида тараннум этилиб, илоҳий-

лаштирилади. Албатта, қадим ҳиндларнинг Веда адабиётларидаги сўз илоҳаси таъсирида шоир шеърятини ҳам кўплаб мунозарали мушоҳадалар, кизгин баҳслар, айниқса, ажойиб шеърлар юзага келган эди. Уларда Веда адабиётларида тилга олинган инсон – Йама (бу сўз қадим ҳинд матнларида «Йама», «Жама» тарзида ҳам қўлланилган) – «у дунё», «ўлим маъбудди», яъни унинг даврида инсоният фаровон ҳаёт кечирган; Сарасвати – «фан ва санъат илоҳаси»; Шива – «бунёд ва барбод маъбудди»; Срабон – «тинимсиз ёмғир ёғадиган ой» сингари бадий образлар ўз ифодасини топан эди: «Йаманинг руҳига сокин сўйладим/Соҳир Сарасвати! Надир бу аклим/Тупрокни булгаманг. О, Шива, етар!/Товонимни тешди срабон ёмғир» сингари шеърини сатрлар шулар жумласидандир.

Айтиш мумкинки, қадимги ҳинд матнларида сўз илоҳий қудрат даражасида улугланган. Фикри оқимизча, унинг инсон руҳига алоқдорлиги очик эътироф этилмасда-да, лекин матн замиридаги тағ-маънолар шунга ишора қилади. Зеро, «Ҳиндларнинг эътиқодига кўра, инсон руҳи тамомам покланмагунча танадан танага кўчиб юраверади. Шу жараёнда инсон руҳи нафсоний иллатлардан қутулиб, асл илоҳий моҳият касб эта боради... Агар инсон эзгу ишларни кўп қилиб, маънавий камолотга интилса, унинг Руҳи олдинги «юк» – камчилликларидан қутула боради. Бу эса, инсон руҳининг илоҳлар маконидан мангу жой олиш жараёнини тездаштиради. Илоҳлар макомига эришиш – ҳар бир ҳинднинг сўнмас орзусидир».

Албатта, қадимда Ўрта Осиё алломалари ҳам сўз ҳақида кўплаб кизикарли баҳс-мунозараларни ўртага ташлаганлар. Жумладан, XI–XII асрларда яшаб ижод этган Шайх Фариддин Аттор: «Ўз кўзинг билан бок ўзинга, сўзга ўралгин. Дунё одамлардан эмас холи. Икки оламнинг асоси Сўздир, чунки Сўз Ҳақдан муржа бўлиб келди. Ахир арши аълода битилган «Лавхи мафзуз» (азалдан кўкда инсонларнинг яши ва ёмон амаллари махфий сақланган ёзув лавхи – М. А.) ҳам Сўздир. Ҳамма нарса Сўздан ижод этилган ва Сўзга қайтади», дейди. XII–XIII асрларда Мавлоно Жалолиддин Румий ҳам сўзга шундай таъкид беради: «Хар нарсанинг асли – сўз. Сенинг сўздан хабаринг йўқ ва уни менсимайсан. Сўз амал дарахтининг мевасидир. Чунки у амалдан туғилади. Улуғ Тангри оламини сўз билан яратди ва «Бул» дейиши билан у ҳам бўла қолди». Бундан ташқари, у «Ҳаёл олами тасавурлар оламига қараганда янада кенгдир. Чунки бутун тасавурлар ҳаёдан туғилади. Ўз навбатида, ҳаёл олами ҳам уни бор этган оламнинг қаршида йўқсидир. Сўз-ла фақат шу қадар англашмайди, холос. Йўқса, ҳақиқий маънонинг қалима ва жумлаларда ошқор бўлмоғи имконсиздир. Биттаси: «У ҳолда жумла ва сўзнинг фойдаси нимадир?» – деб сўради. Сўзнинг фойдаси шунки, сени истамаска йўллайди, илҳом беради. Йўқса, исталган (талаб қилинган) сўз-ла ҳосил бўлмайди. Агар ҳосил бўлсайди, мужоҳадаю фикдорликнинг нима ҳолати бор эди?». Таъбир жоиз бўлса, XX – XXI аср руҳоният шоирлари билан Рауф Парфи «Оллоҳим, мадад бер. Бир сўз бер менга/Сўзнинг гулханида руҳим исинди/Ҳеч тузалмас яра, у Сўздир ахир/Адашган йўлчини йўллаган, эй Сўз/Лойикманми Сўзга, билмадим нетайи?/Сўз мени таъкид қилар/Чиркиртлар ўйиб кўксимни/Сен кимнинг божисан, эй Сўз» сингари сўз руҳига талпинишлари ҳам бежизга эмас эди. Зеро, ижод асосида сўз санъаткори руҳиятидаги кўтаринки ёки тушқун ҳолатлар, аслида, бадий тафаккурнинг қалби бўлган сўз руҳи, яъни сўзнинг таъкиби натижада зоҳирланади. Бошқачароқ айтганда, бунда, иждокор чинакам сўз руҳининг асирга айланади...

Арасту асар сюжетини ҳақида шундай деган: «Воқеалар силсиласидан иборат сюжет асосига қурилган асарларда ечим, яъни тугунинг ечими бўлган воқеанинг охири яққол кўзга ташланади».

Одатда, ёзувчилар тугунини яхши «туғиб», ечим борасида бироз оқсач қолишларини ва кўпинча оригинал ечим тополмаслик туфайли анъанавий яқунга мурожат этганларини кузатамиз. Шукур Холмирзаев профессионал адиб сифатида ечим масаласига жиддий эътибор берган.

### Bir hikoya talqini

У Тагордаги чуқур фалсафийлик, Жек Лондондаги конфликтнинг аниқ қўйилиши, Лев Толстойдаги ҳаққонийлик, Абдулла Қаҳҳордаги иҳчамлилик ва кучли драматизм каби ижобий фазилатларни ўзига сингдириб, Сурхон миллий колоритини қуюқ бўёқларда бера олиш, сюжет тузилиши, айниқса, ечим борасида схематизмдан қочиш каби хислатларни шакллантирган. Ёзувчининг ўзи таъкидлаганидек, «Кўпчилик ҳикояларимизда ечим чаток... Ечим – ёзувчининг дунёни зуҳур этиши, инсон руҳининг ички ва сиртки қонуниятларини нечоғлик билиши, қолаверса, маҳорат – профессионаллик, ижод техникасини эгаллагани билан боғлиқ масаладир!».

Шукур Холмирзаев нафақат ёш ёзувчиларга бу фикрини ибрат сифатида айтган, балки ўзи учун шуни олтин қонда қилиб белгилаган.

Шукур Холмирзаевнинг «Жарга учган одам» ҳикояси («Шарк юлдузи», 1971 йил 2-сон) қораламаси ёзувчи архивида сақланиб қолмаган эса-да, нашр вариантларидаги бадий ечимни қийслаб, таҳлил этиб кўриш имконияти мавжуд. Ҳикоя матбуотда чоп қилиниши билан асардаги бадий ечим борасида жиддий баҳслар бўлган эди. Шундан сўнг, адиб танқидчиларнинг фикрларини инобатга олиб, асарни қайта таҳрир қилган. Бу ҳикоя адибнинг «Ҳаёт абадий» тўпламига киритилган вариант билан журнал вариантини қийслаганимизда асар ҳажми катталашгани, қаҳрамон психологияси яхши очиб берилгани ва, энг муҳими, асар ечимига тўғри ёндашилгани ойдинлашади. Ҳикоянинг журнал вариантда ўз ҳаётини табиатсиз тасаввур қилмайдиган қаҳрамон Исроил Тошкентдан Бойсунга меҳмон бўлиб борган, ўзини табиатсевардек тутаётган, аммо табиатга бешафқат муносабатда бўлган, она айниқса отиб ўлдирган режиссёр Ҳабибулло Юсуповични жаҳл устида жардан итариб юборади. «Одам ўлдирдим, мени қамайдилар...Мен ҳам отиламан!» деб ўйлайди у ва ниҳоят, ўзининг ҳам ажали этганига иқроор бўлади. Исроил «... бу ердан айрилиб қандай яшайман. Тамом!» дейди ва шу аламли ўй билан ўзини баланд қоядан ташлаб юборади. Табиатга бемехрлик қилган режиссёр тасодиф туфайли тирик қолади. Ҳикоянинг бундай якунида Исроилнинг ўлими етарлиқ асосланмаган эди. Шу боис адиб танқидчиларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиб, ҳикояни бошдан-охир жиддий таҳрирдан ўтказди. Ечим борасида ҳам мантқиқ, асосли хотимани тасвирлайди. Ҳикоянинг «Сайланма»га киритилган вариантга кўра, сюжет тугундан сўнг воқеалар бошқача тус олган. Аввало, меҳмоннинг исми Исмоил Юсуповичга ўзгартирилган. Ёзувчи «табиат химоячиси, ўзини табиатнинг ягона қўриқчиси, содиқ дўсти, вафодори» деб билувчи Исроилнинг адолатсиз тарзда ҳалок бўлиши ҳикоя учун мантқиқий ечим эмаслигини қалбан ҳис қилган. Нафси ҳақлақ отган режиссёрнинг ўлими эса табиатга нисбатан сохта муҳаббатнинг жазоси ва жавоби эди. Мана ўша ечим:



«Милтиқни ерга тираб чўнкайганча айикни кузатиб, қалтираб ўтирган Исмоил Юсупович Исроилга қия қараб:

– Ўлдими? – деб сўради.

Исроил худди онаси ўлгану нафасини ичига тушиб кетгандек бақрайиб қолган эди.

– Ўлди, шекилли, қимирламай қолди, – деди режиссёр ва яна Исроилга қаради, сўнг кўзгалмоқчи бўлди, яна ўтирди-да, кизишиб деди: – Бунча хафа бўласиз? Бўлган иш бўлди-да... Мен ҳеч овчилик қилмаганман. Исроил, менга қаранг... Мен сизни хурсанд қиламан. Оладиган фильмнинг бош қаҳрамони ўзингиз-ку, ахир? Э, қўйинг-ей.

Исмоил Юсупович айқандан беш кадамча бериди тўхтаб, унга тикилди. Ўқ унинг мангалайини ёриб кетган эди. Исроил ботаётган қуёш шувласи бир елкасини қизартирган ҳолда, секин юриб, айқ бошига келди. Айқчалар одамлардан ҳайқишмади, улар тамшаниб, ўлик оналарининг сўт тўла эмчагини чўзиб-чўзиб эмишар эди.

– Нима қилиб қўйдингиз? — деди Исроил режиссёрга.

– Қизикмисиз? Ўлди... Болаларини ҳам опкетамиз.

Исроил гангиб атрофга қаради. Ўрмонлар, тоғлар, осмону ерга — табиатга кўзи чизилиб ўтди. Шунда бирдан қулоғи шангилаб кетди. Назарида, бола қалбига аллақачонлар кириб, уни ўз асирга айлантириб қўйган табиат уввос тортиб фарёд кўтараётгандек туюлди.

Исроил ўзини шу табиатнинг ягона қўриқчиси, содиқ дўсти, вафодори деб ҳисоблар эди.

Агар унга қилинган бу жабр учун дунмандан қасос олмаса, ўзини хиёнатчи, хонин, сотқин бўлиб қоладигандек ҳис этди. Ва... Исмоил Юсуповичнинг қўлидан милтиқни тортиб олди-да, қўлчашлаб унинг бўйинига туширди. Режиссёр овоз чикармай кесилган шох каби учиб кетди, апил-тапил ўрнидан торти-ю, яна йикилди, унинг гавдаси жардан қуйига учди».

Ҳикоя якунида адиб ҳаёт мантқиғига монанд иш тутган. Табиат ноҳақ қон тўққан қимсадан ўч олмай қолмаган. Шукур Холмирзаев битта нодон режиссёр учун бир табиатсевар инсон қўли билан берилган жазо етарли эканига ишора қилган. Кульминациядан асарнинг кейинги лавҳаларига кўз ташласак, Исмоил Юсупович ҳар бир сўзи ва ҳаракати билан ўз ўлимига яқинлашаётгани амин бўлаемиз:

«– Бундан бошқа жойлардаям айқ кўпми?»

– Бор.  
– Менга беринг милтиқни.  
– Отсангиз хафа қиламан, меҳмон.

– Э, қизикмисиз! Битта айқ нимча бўпти? Йирткич хайвон.

– Сизга зарари теғмайпти. Қайтаган биз уни безовта қиялғимиз...

– Менга қаранг, шуни сиз отиб беринг менга. Териси жуда керак эди. Хотиним жуда тайинлаган эди. Ахир, бу совга-да! Мен сизни мактаб юраман, буни бир зўр овчи йигит отиб берди дейман. А?

– Биринчидан, ҳозир хайвонларни отиш мумкин эмас. Иккинчидан, қаранг, унинг иккита боласи бор, уларни етим қилиб нима қиласиз. Очдан ўлиб кетишди.

– Очдан ўлмайди, тутиб, зоопаркка топшириш мумкин, уларга керак.

– Меҳмон, сиз мени билмайсиз... Менинг онам ҳам, отам ҳам, ўшам ҳам ана шу табиат. Мени тоғ шайдоси дейишади. Бу ҳаёлни бошингиздан чиқаринг. Вақти-соати келганда, ўзим биронта қарисини отиб бераман... юбораман сизга.

– Менга қаранг, бу сизнинг шахсий молингиз эмас-ку, давлатники!».

Гарчи эзгулик галабаси, ёвузлик мағлубияти анъанавий ечимга тортиб кетса-да, адиб табиатга отилган тош бир кун келиб тош отган одамнинг бошига тушишини адолатли ҳукм деб билган. Зотан, бадий асар тасвирида ҳаққонийлик ва адолат асосий таянчлардан биридир. Ёзувчи ҳикоя бадий ечимини ана шу қондага амал қилган.

Адабиётшунослар эътироф қилганидек, Шукур Холмирзаев асарлари оригинал ечими билан ўқувчи руҳиятига кучли таъсир қилади. Ёзувчи асарда қутулмаган ечим китобхонни чуқур мулоҳазага чорлашини яхши билган. Шу сабабли, кўп ҳолларда, асарларнинг ниҳоясини зарб билан яқунлашга интилган. Хотима қисми бўш чиққан ҳикояларини қайта ёзиб, мукамаллаштирган.

Адибнинг «Қадимда бўлган экан», «Биткили тош» ва бошқа ҳикояларида ҳам бадий ечимнинг қайта-қайта таҳрир қилингани унинг шахсий архивидаги қўлёзмадан, матбуот ва китоб нашрларидаги вариантлари солиштирилганда фарқлар, иждодий қайта ишланмалар қилинганини кузатиш мумкин. Шукур Холмирзаев маҳоратли ёзувчи сифатида ҳар бир ҳикоянинг бадий ечимига катта эътибор қаратгани ижод аҳли учун ибрат бўла олади.

Ноҳира ЯНГИБОЕВА,  
Урганч давлат университети  
таъинч-доктаранти

Куй-қўшиққа шинавандалигим туфайли телевизордан бериладиган кечки эшиттиришлар дастурида намойиш этиладиган қирк беш дақиқалик концертни орзикаб кутардим. Кечки овқатдан сўнг ҳаммамиз экранга кўз тикиб ўтирибмиз. Бир маҳал телевизорда хуш тақаллум опахон пайдо бўлиб, ним табассум билан “Ғазалхон ёшлигим” номли кўрик-танлов намойиш этилишини эълон қилди. Концерт тўғридан-тўғри намойиш қилина бошлади. Экранда Бухоро давлат педагогика институту мусика кафедрасининг талабаси, дея эълон қилинган, пайваста кош, куюк қора сочлари бир ёнга силлик таралган хушқад йигитча, қўлида бежирим тор, ёнида афгон рубоби ва доира жўрлигида “Насри уззол”ни бошлаб юборди. Ашула ишқивози бўлган раҳматли отам йигит кўшиқ бошлагани ҳаманоқ, ён-бошларидаги ёстикни нарироқ суриб, чордона куриб ўтириб олди. “Э, боракансан-у болам, қайда юрган эдинг шу вақтгача, ана хофиз-у мана овоз! Ким деди бу боланинг фамилиясини, Шукуров дедима?” “Ха”, – дедим бош ирғаб. Шу тақлид “Чорзарб”, “Баёт-1” каби ашулалар куйланди. Концерт тугади, отам узок вақт ашула сеҳридан сармаст ўтиргач, деворда осиглик кўна дуторга имо қилди...

Ўша вақтлари хофиз Аҳмаджон акани нафақат кекса отам, балки бутун Ўзбекистон алқаниданми ёки иктидорнинг қуввати туфайлими, ишқилиб, радио, телевидение орқали Аҳмаджон Шукуров номи тезда элга ёйилиб кетди. Бир куни Аҳмаджон акага ашулалар матнини аниқ ижро этиши, бу хислати орқали тингловчиларга кучли таъсир қилишини айтдим. У кулиб шундай деди: “Сўзларнинг аниқ ва тўғри ижроси бировга таъсир қилиш учунгина айтилмайди, энди бу ҳам худо берган бир хислат-да, укажон.

Қолаверса отам шоир, онам шоира бўлсалар, мен қаёққа ҳам борардим”. Дарвоқе, Аҳмаджон аканинг дадалари мулло Шукур бобо Азизий тахаллуси билан шеър, ғазаллар битишини билардим, шахсан таниш эмасдим.

Дарҳақиқат, Аҳмаджон аканинг ашулалари йўлидаги дастлабки устозлари

**Асрор НИЗОМОВ**

# Бухорода бир ўй бор



Badia

серфайз қария, шоир Азизий эканини кўп бора хофизнинг ўзидан эшитгандим.

1993 йилнинг баҳор фасли, Аҳмаджон Шукуров билан Бухоро сафарига отландик. Атайлаб йўлни Нурота орқали солдик. Сарик тусли “Жигули” текис асфальт бўйлаб елдек учиб борар, чап тарафда ўрқач-ўрқач Нурота тоғлари, ўнг тарафда эса, кип-кизил лолакизгалдоқлар билан бурканган чексиз дашт ястаниб ётар, ярим очик ойнакдан отилиб қираётган муздек шабада хофизни руҳлантириб юбордим, у бор овози билан куйлаб борарди. Ашула тинди. “Кенгликлари яхши кўраман, – деди

Маданият вазирлиги қошидаги “Санъат” бошқармасининг бошлиғи эди. Дарҳол филармония раҳбари Товур Жумаевга кўнгирик қилиб, “Эртага соат ўн еттида ҳайъатни йингит ва Аҳмаджон Шукуров деган йигитчани қаердан бўлса ҳам топиб келинг”, деб буйруқ берган. Айтилган вақтда филармония биносига устозим Мурод Норкулов билан етиб борсам, машҳур хонандалар Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Умаров, Незматжон Қулабдуллаев, Алийжон Хасанов, шоир Камтар Олибоев Туроб Тўла бошчилигида кутиб ўтиришган экан. Туроб Тўла даврадагиларга қарата: “Кечаги ашула айтган бола шу эди, – деди. – Қани, сени эшитгани йингидик, бошлайвер”. Фузулий шеъри билан “Баёт 1”, Жомий сўзи билан “Чапандози Ирок”, Машраб ғазали билан “Яратибдур” каби ашулаларимни айтиб бердим. “Бирпас чиқиб тур”, дейишди. Қайтиб кирсам, “Сени филармонияга солист қилиб оламиз, Бухородаги ўқишингни сиртқига айлантирасан. Бу ерда устозлар кўз олдида юрганинг маъқул, шунга келишдик”, деди Алийжон Хасанов. У вақтлари филармонияга фақат консерватория битирган ёшлар қабул қилинар экан, шундай бўлса-да, кадрлар бўлимнинг қаршичилигига қарамасдан, мени ишга олди”.

Маданият вазирлиги қошидаги “Санъат” бошқармасининг бошлиғи эди. Дарҳол филармония раҳбари Товур Жумаевга кўнгирик қилиб, “Эртага соат ўн еттида ҳайъатни йингит ва Аҳмаджон Шукуров деган йигитчани қаердан бўлса ҳам топиб келинг”, деб буйруқ берган. Айтилган вақтда филармония биносига устозим Мурод Норкулов билан етиб борсам, машҳур хонандалар Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Умаров, Незматжон Қулабдуллаев, Алийжон Хасанов, шоир Камтар Олибоев Туроб Тўла бошчилигида кутиб ўтиришган экан. Туроб Тўла даврадагиларга қарата: “Кечаги ашула айтган бола шу эди, – деди. – Қани, сени эшитгани йингидик, бошлайвер”. Фузулий шеъри билан “Баёт 1”, Жомий сўзи билан “Чапандози Ирок”, Машраб ғазали билан “Яратибдур” каби ашулаларимни айтиб бердим. “Бирпас чиқиб тур”, дейишди. Қайтиб кирсам, “Сени филармонияга солист қилиб оламиз, Бухородаги ўқишингни сиртқига айлантирасан. Бу ерда устозлар кўз олдида юрганинг маъқул, шунга келишдик”, деди Алийжон Хасанов. У вақтлари филармонияга фақат консерватория битирган ёшлар қабул қилинар экан, шундай бўлса-да, кадрлар бўлимнинг қаршичилигига қарамасдан, мени ишга олди”.

Сўхбатлашиб, кечга томон Бухорога кириб келдик. Аҳмаджон аканинг “Хўжайи Жаҳон” – Баҳоуддин Накшбанд маҳалласига яқин жойлашган ҳовлилари кенг ва ораста эди. Баланд қоматли Асадилла ака техника мутахассиси бўлса-да, санъат шайдоси, укасига жуда меҳрибон инсон. Бизни кучоқ очиб кутиб олди. Оналари Фотима ая ҳаракатчан, чоккина мучаси қарилликка бўйин бермагандек таассурот қолдирарди. Фотима ая форсийда ҳам ижод қилиб, чиройли шеър, ғазаллар битар экан. Афсуски, аянинг ўнлаб, балки юзлаб шеърлари, ғазаллари парча-пурча қозғоларган, газета-журналлар хошиясида қолиб кетган. Айримлар эса халқ сўзи тарзида машҳур хофизлар тилидан тилига ўтиб бизга қадар етиб келган.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари Бухоро шаҳри маҳалла аёллари томонидан уюштирилган кичик базм, гап-гаштакларда ўша вақтлари 20 ёшлардаги келинчак Фотимахон ҳам тез-тез катнашиб, Фузулий, Навоий, Бедил, Машраб шеърларидан ўқиб даврани киздирар, баъзан даврадагиларга ўз ғазалларидан ҳам ўқиб беради. Шундай йиғинларнинг бирида Фотимахон “Додаракам” ра-

дифли янги шеърини ёддан ўқиб беради. Даврада ўтирган яллагчи шу онинг ўзидаёқ уни “илиб” олиб, қўлидаги даф жўрлигида усулга солиб куйлаб юборади. Куй шўхчан, усул аниқ ва унга мутаносиб равишда шеър ҳам ўйноқи, куйга жуда мос эди. Шу тарика яллагчи Фотимахон шеърига басталаган куйини қайта-қайта куйлади, киз-жувонлар роса рақсга тушишди. Кейинчалик гап-гаштаклар шу ашуласиз ўтмайдиган бўлиб қолди. Аммо вақт ўтиши билан муаллифи унутилиб, халқ сўзига айланиб кетди. Даврлар оша муаллифи “номаълум” ашула Тўйфа Тахалова, кейинчалик савтхон хофиз Домла Ҳалим Ибодов, таникли эстрада хонандаси Насиба Абдуллаева томонидан қайта сайқалланиб куйланди. Унинг матни асосини ҳамон “Додаракам” шеъри ташкил этса-да, муаллифининг номи тарихнинг хира пардалари ортида қолиб кетган. Пишиқ, ўйноқи ғазал энди халқ мулкига айланиб бўлган, оғиздан-оғизга кўчавериб бирмунча ўзгарган ҳам эди.

*Жон додаракам дили жон додаракам,  
Сандуқчаи сийму заргарон додаракам.  
Ой лаъл лаби ман ту хандон нашавад,  
Ман ёр нагирам, дили ту вайрон нашавад.  
Ту ёр дигар гири-ю, ман ёри дигар,  
Сад сол гузарад ишқи ту вайрон нашавад.*

Ушбу шеър аслида Фотима ая тилида ярим аср муқаддам мана бундай куйланган эди:

*Додаракам, дили жон додаракам,  
Сандуқчаи сийму заргарон додаракам.  
Ой лаъл лаби ту доимо хандон башавад,  
Монанди ман сарсоню ҳайрон нашавад.  
Ту ёри дигар гири-ю, ман ёри дигар,  
Сад сол гузарад дили ту вайрон нашавад.  
Додаракам, дили жон додаракам,  
Сандуқчаи сийму заргарон додаракам.*

Вақтлар ўтди, Фотима ая шеърига басталанган куйда эса асл Бухороча доира, даф усули сақланиб, халқ мулкига, мангуликка дахлдор бўлиб қолди.

Хуллас, кечкурун Фотима ая пиширган бухороча паловдан танавул қилиб, эрталаб куй, ғазал, меҳр, қўшиқ тўла хонадон билан хайрлашдим.

**Boshlanishi 1- sahifada**

Машҳур олмон шоири Гёте Низомий Ганжавийни: “Барча халқлар ва замонларнинг энг улуғ етти шоиридан бири, – деб таърифлаган. – Олмонияда зўр шоирлар кўп, лекин улар Низомий Ганжавий олдида ҳечдир”.

Ижод аҳли ҳамиша эрқка, мустақилликка, адолатга, ҳалолликка интиланганларнинг олдинги сафида бўлган. XII асрда Хуросон ва Мовароуннахрнинг кўплаб шаҳарлари, жумладан, Ганжада жавонмардлик ҳаракати кенг ёйилган. Ҳаракат аъзолари, асосан, қосиб ва хунармандлардан иборат бўлиб, улар золим ҳукмдор ва амалдорларга қарши курашган, оддий одамлар – халқ манфаатларини ҳимоя қилган. Низомий шу ҳаракатнинг мақсад ва ғоялари тарафдори бўлган. Унинг дунёқарши ва ижтимоий ақидалари асосан қосиб ва хунармандлардан иборат бўлган шу ҳаракат ғоялари таъсирида шаклланган. Давр салотини унинг мулозиматида бўлишини табарруқ билган. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида куйидагиларни битган: “Умри гарномояни аввалдан охиригача қаноату тақво ва узлату инзииво билан ўтқарибдурлар ва харгиз сойир шуародек хирсу хаво галабасидин дунё арбобиға илтижо қилмайдурлар...” (А.Навоий, 10-жилд, 483-бет).

Алишер Навоий Низомий Ганжавийнинг шоирлик салоҳияти ва қудратига, у етган даражага эришиш мушкул эканини таъкидлаб: “...кўп абъёти алфоз жазолатидин ва маъною таркиб салосатидин деса бўлурки, эъжо сарҳадиға етибдур, кишининг илқиға кирмак имкон эмас...” деб ёзган (А.Навоий, 10-жилд, 485-бет).

Дунё адабиётшунослари Низомийнинг адабиёт ривожига қўшган ҳиссасини юксак баҳолаганлар. Уни ўта раво шеърый нутқ ва ўзига хос шеърый услуб яратган буюк шоир сифатида эътироф эт-

ганлар. Эрон олими, доктор Саид Ҳамидиённинг фикрига кўра, “Фирдавсий қаҳрамонлик достонлари яратишда мислсиз бўлгани каби, Низомий форс тили ва адабиёти тарихида лирик шеърят соҳасида етакчи ўринни эгаллайди”.

Улуғ шоирнинг шеър тузилиши ва қурилишини янгилаш, сўз танлаш ва янги сўз бирикмалари тузиш иктидори, сўзлардан фойда-

Ганжа вилояти маданият бошқармаси бошлиғи Парвин Гасимов кутиб олди.

Ҳазрат Низомий Ганжавий мадфун ерда макбара дастлаб XVI асрда бунёд этилган. Бугун эса у ягона улкан мажмуа сифатида узокдан кўзга ташланади. Макбара шаҳарга жанубий-ғарбий томондан қираверишда, асосий асфальт йўлга туташган катта майдоннинг тўрида. Атрофи

кўтарилган. Минора деворларининг ярми – икки чети тўлқинсимон, тепаси гумбаз. Иккинчи ярми – олд ва орқа томондан қириладиган жойнинг тепа қисми текис нақш. Нақш тепасида саккиз қиррали юлдуз ичига Куръони шариф оятлари битилган. Макбарага икки томондан, олд ва орқадан қирилса бўлади. Эшиклар қизил ёғочдан, нақш ва безаклар билан ўйиб безалган. Кириш жойининг тепасига озарбайжонча лотин ёзуви-

да катта ҳарфлар билан “NIZAMI” ёзилган. Ҳарфлар соф олтиндан! Биринчи қаватда оқ мрамур устида қадам босиб юрасиз. Деворда саккиз қиррали юлдузлар ичига, деворларнинг тепа қисмида сиёҳранг шишаларга оятлар дарж этилган. Йўғон панжараларда беш қиррали юлдузларга “Панж ганж”дан байтлар битилган. Биринчи қават доира шаклида. Ўртада, пастанда – ертўлада марқад. Оқ мрамрдан. Бу Буюк Шоирнинг мангу уйи.

Пастанда ҳаммани ҳам тушираве-ришмас керак. Буюк иноятлар бўлдими, Буюк Шоирнинг ёнига биз учун йўл очилди. Пастанда. Ўртада мангу уй. Мармар тошлар ҳам маҳзун, юмшоқ руҳга қўшилиб кетгандек... Ажиб бир об-ҳаво. Абдийлик об-ҳавоси шундай бўлармикан?.. Даҳмани айланиб, мрамарга чўкамиз. Қаброғи арабий ёзувлар йўқ. Куръон тиловат қилинади. Буюк шоирга мангу ором, дунёга, эл-юртга тинчлик сўралади...

Мақбарадан сўнг Низомий Ганжавий музейига ўтилди. Музей ёдгорлик мажмуасига қарама-қарши

томонда, асфальт йўлдан нарида, макбара билан юзма-юз жойлашган. Маҳобатли бино. Ҳаворангдан. Осмонни эслатади. Асосий эшикдан икки томонга тепага қараб юлдузлар туркуми харитасини эслатувчи оқ чизиклар тортилган. Музей нодир озарбайжон гиламлари, шу гиламларга ишланган шоир портретлари, шоир асарлари, хусусан, “Панж ганж” сюжетлари асосида чизилган миниатюралар,


бўлган, Абумуҳаммад Илос – бешиқ – она номини юксалтирган фарзанд. Низомий – Озарбайжон фарзанди, дунёнинг шоири...

Бугун шеърят, адабиёт шаҳри бўлган Ганжада, бугун Озарбайжонда буюк донишманднинг тинч, барқарор, фаровон ҳаёт борасидаги орзу-армонлари ушалаётир.

Адабиёт, шеърят ҳақида суҳбат борар экан, Озарбайжон Фанлар академияси Ганжа вилояти бўлими маси Низомий Ганжавий маркази раҳбари Алимухтор Мухторов шундай дейди: – Буюк Алишер Навоий юртидан (Ўзбекистондан демоқчи), “Хамса” юртидан буюк Низомий Ганжавий юртига, “Хамса” юртига хуш келибсизлар!.. – Ганжавий макбараси Ганжа шаҳрининг хар еридан кўринар экан, – десак; – Дунёнинг хар еридан Низомий кўринур... – деди шавқ билан. – Дунёнинг хар еридан Навоий кўринур...

Алимухтор Низомий ҳақида гапирганда, Фузулидан байтлар ўқиганда баланд завқ, ҳайрат ва ҳаяжон билан сўзлайди. Буюклар ижодидан ҳаётдаги хар бир ҳолатга мос мисраларни зукколик билан топади ҳамда кироат билан ўқийди. Кўриниб турибди, у Озарбайжонни, ўз она тилини, миллий адабиётини жуда севади. Шу севи унинг ботинини маънавий қудратга тўлдириверади. Энг муҳими, биз ўзаро ўзбекча, озарбайжонча сўзлашамиз. Ўзбек, озар тилларида байтлар ўқиймиз. Бизга тилмоч, таржимон ёки шарҳловчи сира керак эмас. Буни хар биримиз ич-ичдан хис қиламиз. Ганжа шаҳрига сафаримиз якунига етди. Аммо Низомий Ганжавий зиёрати якунига етмайди. Даҳо шоир асарларини хар ўқиганингизда унинг мўътабар хузурига боргандек, Шеър ва Шоир юрагининг уришини хис этгандек бўлаверасиз.

# ДУНЁНИНГ ҲАР ЕРИДАН НИЗОМИЙ ВА НАВОИЙ КЎРИНУР...



Anjuman

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Бадий академиясининг 2023 йил биринчи ярим фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда Бадий академия раиси Акмал Нуридинов ва академия ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Анжумани журналист Зарбиби Чориева олиб борди.

Бадий академия раиси Акмал Нуридинов 2023 йилнинг биринчи яримида амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб, жумладан, Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини халқаро миқёсда тарғиб этиш мақсадида “Art Gallery” аукцион уйи фаолияти йўлга қўйилгани ҳамда шу йил май ойи бошларида пойтахтимиздаги Интерконтинентал меҳмонхонасида илк бор тасвирий санъат асарлари аукционий ўтказилганини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъат асарларидан иборат қирқ саккиз саҳифали “Мохир ижодкорларнинг ижодий меросидан: Ўзбекистон тасвирий санъати” номли каталог чоп этилгани,

тернатида ўзаро ҳамкорлини тақомиллаштириш мақсадида “ART VERNISSAGE” компанияси билан ҳамкорлик меморандуми имзолангани ҳақида маълумот берди.

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан шу йил 17-

ТАСВИРЛАРДА ЮРТ



Бадий академия тасарруфидоги П.Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган расмолар мактаби, Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-ин-

21 апрель кунлари ўтказилган Халқаро анъанавий тасвирий ва амалий санъат фестивалида Беларусь, Россия, Қозғоғистон, Исроил ва Корея Республика-

сидан йигирма тўрт нафар ижодкор қатнашди. Анъанавий фестивал доирасида илк бор Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида “Турк дунёси расомларининг учрашуви” номи кўргазма, “Навқирон Ўзбекистон” деб номланган республика ёш ижодкорларининг санъат кўргазма-танлови, шунингдек, юртимизнинг турли ҳудудларида “Рангларда акс этган она табиат” мавзусида расмлар кўргазмалари ташкил этилди.

Март ойида Истанбулда ташкил этилган “100та расм – Туркия Республикасининг 100 йиллигига” номли халқаро санъат лойиҳаси доирасида ўн нафар ўзбекистонлик ижодкорларнинг ижодий кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини янада ривожлантириш ва халқаро миқёсда тарғиб этиш мақсадида шахсий ва ижодий кўргазмалар, кўшма лойиҳалар учун кенг имкониятлар яратиб берилди.

Атоқли шоир Усмон Носир таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан Наманган шаҳрида Усмон Носирнинг бронзадан яратилган ҳайкали ўрнатилди. Ўзбекистон халқ артистлари Юсуфжон кизик Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Муҳиддин Қориёқубов, Лутфихоним Саримсоқова, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, халқ хофизлари Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоков номларини абадийлаштириш мақсадида уларнинг бюстларини яратиш бўйича ижодий танлов ташкил килинди.

Тадбирда, шунингдек, Фарҳод Тошмуҳаммедов ва Феруза Обиджоновна Бадий академия тизимидаги янгиликлар, ислохотлар тўғрисида батафсил сўзлаб беришди. Анжуман ниҳоясида Бадий академия ходимлари журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

Сарвара ҚОСИМОВА

Gul ko‘p, chaman ko‘p...



ПАХЛАЛ

О. Генри – бу ёзувчининг тахаллуси. Унинг асл исми-фамилияси Уильям Сидни Портер. Кичикинтой Портер ўз отаси – врач ва ихтирочи Элджернон Сидни Портерни ёмон кўрарди. Бўлажак ёзувчи отаси онасини авайлай олмагани, омадсизлиги ва ичкиликка ружу қўйгани учун айбларди.

У камоқдалигида О. Генри (баъзан нотўғри ёзилгани ҳам дуч келади: О’Генри — ирландча фамилияларга ўхшаб) тахаллусини олган. Тахминларга кўра, Генри – газета хабарларидаги мақола қаҳрамони. О. – Olivier (французча исми Оливье) демакдир. Ёзувчи бир неча хикояларини Olivier Henry исми остида эълон қилган. Бошқа маълумотларга кўра, бу исми машҳур француз доришуноси Этьенн Осеан Анри (Etienne Ocean Henry) га тегишли, унинг тиббий маълумотномаси машҳур бўлган. Учинчи тахмин ёзувчи ва олим Гай Двенпортга тегишли. “О. Генри” бу, ёзувчи камалган камоқхона – Ohio Penitentiaryнинг қисқартирилган номидир.

МАХБ

Портер ишлаган банкда 5000\$ доллар камомат аниқланади ва бунда бўлажак ёзувчини айбланади. У ўз ихтиёри билан судга бориб кўрсатма бериш ўрнига АҚШдан Гондурасга қочиб кетишга ва орадан икки йил ўтказиб қайтиб келишга қарор қилади. Шунда жазо муддати ўтиб (конун бўйича бу жиноят учун уч йилга камашарди), камалмай қоларди. Аммо хотини оғир касалликка чалингани учун эртароқ қайтади ва унга хотинини даволатиш учун вақт беришади. Хотини вафот этгач, беш йилга камалади. Камоқда “интизомлилиги” учун уч йилда озод қилинади, махбус ҳаётни ўрганиши учун шу уч йил ҳам унга етарли бўлган эди.

ҚАМОҚДА

Камоқда Портернинг хикоя ёзишни машқ қилиши учун вақти етарли бўлган. Аммо тахририятлар маҳбуснинг хикоясини босишмасди, шунинг учун у ёзганларини таниш-билишларига юборар, улар эса тахририятга топширарди. Ёзувчи биринчи “Дика-Свистуннинг янги йил совғаси” хикоясини камоқхонада ёзган.

СЕРМАХСУЛ ИЖОДКОР

Портер дам олиш кунлари ва таътилларида бир йилда 60тадан хикоя ёзарди, баъзида бир вақтнинг ўзиде бир неча хикоя устида ишларди. Ёзувчи деярли барча пулини қизига сарфларди, чунки у энг қиммат коллежда тахсил олар ва у ердигиларнинг ҳеч бири қизнинг отаси собиқ махбус эканини билмасдиқлар лозим эди.

О. Генрининг “Қирол ва қарам” романи 1904 йили нашр қилинган. Кейинчалик “Тўрт миллион” (1906), “Ёниб турган чирокча” ва “Шарқ юраги” (1907), “Шаҳар салоси” ва “Олижаноб товламачи” (1908), “Такдир йўли” ва “Танланган асарлар” (1909), “Аниқ ишлар” ва “Гирдоб” (1910) номи хикоялар тўпламлари чоп этилди. У жами 273та хикоя ёзган ва улар кўплаб тилларга таржима қилинган.

Адиб ёлғиз яшагача, қибрлар даврасига қўшилмасликка интилар, интервью бермас эди.

САЛЛИ КОУЛМЕН

Умрининг охирида ёзувчи иккинчи марта уйланади. Унинг танлагани Салли Коулмен бўлиб, қизига меҳрибон ҳамда Портерга қўлидан келганча гамхўрлик қиларди. Салли эрини ичкиликбозликдан қайтаришга ҳаракат қилади, аммо энди кеч бўлганди. Собиқ маҳкумнинг соғлиги ёмонлашиб, 47 ёшида вафот этади.

Салли ёзувчига ўзининг асл исми-фамилиясини қайтаради: қабрига ўрнатилган ёдгорликка “Уильям Сидней Портер”, деб ёздирди.

ЭЪЛОН

“Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди”нинг Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги 1995 йил, 15 апрель куни берилган № 190 гувоҳнома йўқолгани сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Русчадан ХАБИБ СИДДИҚ таржимаси

Bolalar bekati

MO‘JIZALAR OLAMI

ANTIQA JAVOB

Geometriya darsida Borar bahs, munozara. Savol shunday berilgan: – Nima asli doira? Sinfdagi bolalar Chuvillashar tinmasdan. Javobni aytmoq bo‘lar Bilib yoki bilmasdan. Eng oxirgi partadan Qo‘l ko‘tarar Tamtumboy. To‘g‘ri javobni, balki, Bilsa kerak, hoynahoy. Birma-bir qarab ustoz, Tamtumboyga yuzlandi. Sal jilmayib qo‘ydi-da: – Mayli, aytaqol, – dedi. – Ustoz, – dedi Tamtumboy, – Doirani bilaman. Ishonsangiz gapimga, Har kun chalib ko‘raman. Ustozi hayron bo‘lib: – Rostdanmi? – deb so‘radi. Sinfdoshlar javobdan Lol qolib o‘tirardi. – Rost, rost, – dedi Tamtumboy. – Doira bu – chirmanda. Sizga aytсам taka-tum Tovushiga borman-da!

Shogirdining so‘zidan Ustoz ham hayron edi: – Bunday noyob javobni Sira kutmovdim, – dedi.

Tamtumboy mana shunday Lol qoldirar barchani. Bundan to‘g‘ri javobni Bilsangiz, ayting, qani!

MANTIQIY JAVOB

Ona tili darsida Ustoz savol beradi. Shogirdlar bilimini Shunday sinab ko‘radi. – Qani, aziz bolalar, Birma-bir javob bering. Qofiyaga misolni O‘ylabroq aytib ko‘ring. Tamtumboy darhol turib – Sigir va biya, – dedi. – Ikkalasi shubhasiz,

Bo‘lar qofiya, – dedi. Ustozi hayron bo‘ldi Tamtumboyning so‘zidan. – Izohini aytgin, – der Kulgi balqib yuzidan. Dadil edi Tamtumboy Bu savoldan qo‘rtqmasdi. Aniq javobni chunki Sinfdoshlar bilmasdi. – Qofiya, asli, ustoz, So‘zdir juda ohangdosh. Sigir va biya esa Bir-biriga qarindosh. Ikkisi ham sog‘ilsa, Bir xil tiniq sut berar. Bunday go‘zal qofiya Yana qayerda bo‘lar?

Mantiqiy javobga Bo‘lmadi hech e‘tiroz. Qofiyaga misolni Siz ham ayting, iltimos.

ZIYRAK O‘QUVCHI

Botanika darsida Ustoz berar ko‘p savol. Bilimin sinab ko‘rar Sinfdoshlar bemalol. – Xo‘sh, ayting-chi, bolalar, Tarvuz nega dumaloq? Qovunning ayrim turi Raketaday cho‘zinchoq? Javob bo‘ldi betinim, Ustoz qabul qilmasdi. To‘g‘ri yechimni, afsus, Qarang, hech kim bilmasdi. Qo‘l ko‘tardi Tamtumboy, Eng so‘ngida imyanib. – Mayli, sen ham aytaqol, – Dedi ustoz jilmayib. – Ustoz, – dedi Tamtumboy, – Javobini bilaman. O‘simliklar urug‘in To‘rtqovuzda ko‘rganman. Tarvuz urug‘in shakli

Oyga o‘xshash dumaloq. Siz aytgan qovunlarning Urug‘lari uzunchoq. Qovun-tarvuz shu sabab Urug‘iga o‘xshaydi. Afsus, ayrim do‘stlarim Buni nechun bilmaydi? Tamtumboyning aqlidan Ustoz ham hayron qoldi. Ziyrakligi uchun u Ikki karra “besh” oldi. \*\*\* Siz ham aziz bolalar, Sal ziyrakroq bo‘lingiz, Har bir meva urug‘in Bir-bir ko‘rib qo‘yingiz.

KIMYOQAR TAMTUMBOY

Kimyo fani ustoz Shunday savol beradi: – Qani, ayting, bolalar,

Suv qanday olinadi? Ikki qo‘lin ko‘tarar Sal shoshilib Tamtumboy. Do‘stlaridan oldinroq “Besh” olmoqchi, hoynahoy. – Mayli, – dedi muallim, Sen javobni aytaqol. Tamtumboy qilig‘idan Sinfdoshlar qoldi lol. – Ustoz, – dedi Tamtumboy, – Suv chelakda olinar. So‘ngra uni taqsimlab Chovgumlarga solinar... Tamtumboy javobidan Ustoz ham hayron edi. Shogirdiga jilmayib, Senga “dumli besh” dedi.

\*\*\*

Mo‘jizalar olami Kimyo fani, aslida. Tamtumboy o‘qigandi Uni bog‘cha, yaslida!

Bahrom AKBAROV

Hajviya

Фавқуллода Интернетга кириб қолдим, унда “Одноклассники” сайти бор экан – ўзимизникилар ҳаммаси шу ерда, Петка ҳам! У мактабда факат иккита тўрт баҳо олган, бу ерда бўлса қандайдир девор олдида турибди ва “Мен Стокгольмдаман”, деб ёзиб қўйибди.

Эҳ, мен ярим кечгача ухломмадим. Эрталаб Ботаника боғига бордим! Қандайдир кактус олдида суратга тушдим ва суратни “Мен Мисрдаман” деган ёзув билан Интернетга жойладим.

Эртаси куни сайтга қарадим – Петка хотини билан мамнун қиёфада. Меники бўлса, уйда бўлмаган пайтдагина хурсанд. Тунда ортимдан юради, хожатхонада ўтирганимда чирокни ўчиради. Майли, деб ўйладим. Театр олдида машҳур актрисани кутдим, бирга суратга тушишга кўндирдим ва суратни “Бахтиёр келин-куёвлар Гаитида ўтадиган асал ойи олдида”, деган ёзув билан сайтга қўйдим.

Кейинги куни сайтни очсам, Петка болалари билан турибди! Иккита – ўғил ва қиз. Менда ҳам

улар иккита: қутидаги тошбака ва мушугим Борсик. Ха, мен болалар боғчасига бордим, тарбиячидан илтимос қилиб, болалар билан суратга тушдим – улар йигирматача бор! Кел-

Виктор КОКЛЮШКИН

СИҶФДОШЛАР

ийн – Интернетга! Остига эса “Ойла даврасида бахтли соатлар” деб ёзиб қўйдим.

Петка жимиб кетди. Кейинроқ қарасам, сурат пайдо бўлди: Петка от устида! “Менинг сеvimли Аргуним 50 минг евро туради” деб ёзиб қўйибди. 50 минг... мен ўзимнинг Борсикимни ювиндихонадан топиб олганман.

Хайвонот боғига чопдим. Филнинг олдида суратга тушдим ва “Бу менинг филим Филя, 500 минг туради, эрталаблари шиппагимни келтириб беради”, деб ёздим.

Петка икки кун жим қолди, кейин кўрдимки, у “Мерсе-

дес” ёнида турибди! Остида ёзув: “Иккинчисини нега сотиб олдим, билмайман!”

Ха-а, ҳозир биласан, дедим! Марказга бордим, “Лекус”, “Роллеройс”, “Ягуар”лар билан суратга

“Менинг қизиқшим осмон!” Осмон эмиш... ўзи болохона айвонига ҳам эҳтиёт чораларисиз чиқишга кўркарди! “Мен яшашни хоҳлайман!” деб кичкирдим. Ха, майли, Шерметьевога бордим, у ерда девор ортида ҳаво лайнерлари турибди, суратга тушдим ва ёзиб қўйдим: “Факат “Боинг-737”ни сотиб олгангина, менга нима етишмаганлигини тушундим!” Тамом, дея ўйладим мен. Энди Петканинг овози ўчади! Аммо... қарасам у қўлида китоб билан турибди ва шундай ёзув бор: “Менга Букеров мукофоти-ни топириш маросимида”.

Эҳ, сен каллаварам, деб ўйладим! Саккизинчи синфгача тўртта харфли сўзда иккита хато қилардинг: Тўққизинчида эса “Лев Толстой”ни “Лев Толстий” дердинг.

Ха, мен уч кун ўйландим, нима қилиш керак, кейин юзимга қорақуя чаплаб расмга тушдим ва ёзиб қўйдим: “Менга қўйилган ёдгорлик, хайкалтарош Церетели ишлаган. Менинг шарафимга номланган “Боронкин” шоҳқўчасига ўрнатиш ре-

жалаштириляпти”.

Ана шунда кўккиседан бир нима “шак” этди! Сайтни қарадим – учрашув оқшони ҳақида хабар! Ўйлаяпман: Петка, ярамас, “Мерседес”да келади, менчи, трамвайдами?! Яна онам еттинчи синфдалигимда олиб берган катта камзулда-я?

Қўшимнинг қайтарма шойи ёқали мовут костюмининг сўраб олдим, томида ўчиб-ёнадиган чирокни бор БМВ хайдовчиси билан келишиб қўйдим: у мени мактабга олиб бориб, сигнал чаладиган, ҳамма деразадан қараганда, менча эшикни очадиган ва хурматимни жойига қўядиган бўлди. Кетаяпмиз, қарасам Петка кетяпти... хомуш, кийиллавериб қий-шайиб кетган пойафзалда. Унга раҳим келди, машинага чиқариб олдим, мактабимизга етиб келганимизда эса, хайдовчи сигнал чалди, Петка билан машинадан тушдик. Майли, барча бизда ҳаммаси яхши деб ўйласин!



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент-100066, Бунёдкор кўчаси, Адиблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

E-mail: uzas.gzt@mail.ru

Муассис:

ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



Бош муҳаррир ҲУМОЮН АКБАРОВ

Тахририятга келган кўғезмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир ШУҳРАТ АЗИЗОВ Саҳифаловчи НИГОРА ТОШЕВА Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган. Адали - 1107. Буюртма Г - 838. Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2. Нашр кўрсаткичи - 222. Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ Сотувда нархи эркин.



ISSN 2303-614X

